

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ**

Г.В.ИЗБУЛЛАЕВА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЖАЛОЛИДДИН
РУМИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**
методик қўлланма

Тошкент, “Наврўз” нашриёти, 2015

УЎК 170.20.5.3
КВК 82.10(5 О`zb)7
И52

Ушбу методик қўлланмада Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1273) маънавий-ахлоқий тарбияга доир қарашларининг педагогик концепцияси ҳамда улардан фойдаланиш шакл, метод, воситалари кўрсатилган бўлиб, ҳозирги кундаги ёшлар таълим-тарбияси жараёнида замонавий таълим технологиялари асосида фойдаланиш йўллари келтирилган.

Қўлланмадан, умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб ҳунар таълими ҳамда олий таълимда таҳсил олаётган ўқувчи, талабалар, шунингдек кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир:
п.ф.д., проф. С.С.Булатов

Такризчилар:
п.ф.д., проф. Қ.Т.Олимов
п.ф.н., доц. Г.Н.Нажмиддинова

Бухоро давлат университети ўқув-методик кенгашининг
9 июл 2015 йил 7-сонли йиғилиш баённомаси билан нашрга
тавсия этилди

ISBN 978-9943-3814-8-3

КИРИШ

Инновацион педагогика тарбия парадигмасини¹ тараққиёт билан уйғунлаштиришни талаб қилади. Инноваторларнинг фикрига кўра, классик педагогика назарияси етарли даражада янги аср авлодини тарбиялай олмайди, чунки, бугунги шарт-шароит ва талаблар турли соҳалар ва фан тармоқларининг интеграциясини тақозо этмоқда.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларнинг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, маънавий, иродавий хислатлари такомиллашади, табиат, жамият ҳақидаги қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади, натижада жамият манфаатларига мос келадиган баркамол инсон шаклланади.

Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун қайси давр бўлмасин, шу давр мутафаккири томонидан келтирилган тарбия назариясининг асосий моҳиятини ўша даврга тегишли нарсалар мазмун қамраб олади. Шарқ фалсафаси таълимоти назарияси *худо-дунё-инсон* бирлигига таянади. Аксарият классик педагогикага тегишли дидактик асарларда ахлоқ, маърифат ва тасаввуфни ўрганиш усуллари жамланган.

Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий таълимоти асрлар давомида дунё аҳлини ҳайратлантириб келмоқда. Унинг маънавий меъроси айнан бир даврга тегишли эмас, чунки унинг қарашлари догматик (қотиб қолган, ақида) мазмун акс этмайди.

““Мақолот”нинг бир нусхасида “Қачонгача бошқаларнинг ҳассасига суянасизлар? Ўз оёқларингиз билан юринг! Сизлар айтадиган ҳадису тафсиру ҳикмат ва бошқалар бир замонлар ўз асрида бирор мартабага ўтирган шахсларнинг сўзларидир... Агар (сизлар) бу замоннинг фарзандлари бўлсангиз, қани сизлар айтадиган сўзу асрор?” – дейди”.² Дарҳақиқат, “фақат ўтмишга,

¹ *Парадигма* (грекчадан. парадигма - намуна, эталон) – ҳукмрон назария, назарий ва амалий муаммолар ечимининг тегишли асоси.

² Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. – Техрон, 2001. – (22-бет).

аждодлар меросига махлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди”.¹

Ахборот оқимининг шиддатли таъсири натижасида оммавий маданиятнинг кўринишлари, маънавиятга таҳдид ва ахлоқни бузадиган баъзи нолойиқ хатти-ҳаракатлар замирида таълимнинг тарбиядан ўзиб кетганлигини кузатса бўлади. Тарбия жараёнини ташкил қилиш *мақсад-ҳаракат-натижа* уйғунлигида амалга ошириш, тарбия тамойилларининг замон талабларига мос келиши муҳим масалалардан биридир. Миллий истиклол мафкураси негизида “Озод ва обод Ватан”ни барпо этиш йўлида жамоа ёрдамида оила, маҳалла ва таълим муносабати уйғунлаштириш орқали тараққиётни баҳолай оладиган, келажакни кўра оладиган, етук ва баркамол инсонларни тарбиялаш мақсади асос қилиб олинди.

Шунинг учун жамият келажаги унда фаолият кўрсатаётган шахсларнинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашувига боғлиқ. Бу жараёни, албатта, маънавий-ахлоқий тарбия таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда маънавият соҳасида ёшлар тарбиясидаги асосий вазифалар нимадан иборат, деган савол туғилади. Буюк келажакимизни барпо этувчи ёшларимиз:

- қадимий тарих ва маданиятни, бой маънавий меросни чуқурроқ ўзлаштириши;
- ўзлигини англаши;
- бугунги тараққиёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши;
- юртимиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. 2011. – (50-бет).

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ПЕДАГОГИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишнинг педагогик моҳияти маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини сифат жиҳатидан бойитишда катта аҳамият касб этади. Чунки, алломанинг чуқур маънавий мантикқа эга қарашлари тасаввуф, сўфийлик таълимотининг шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари асосида қурилган. Шоир ўзининг биргина “Хом эдим, пишдим, ёндим” фикри орқали ўзига хос фалсафий-ирфоний таълимотни яратишга эришди ва ҳаёти давомида айна шу таълимот замирида шахснинг **шаклланиши, ривожланиши** ва **камолотини** тадқиқ қилиб ўтади. Алломанинг фикрича, ҳар бир туғилган гўдак сирли мавжудод сифатида шахс бўлиб шаклланади. Инсон камолоти унинг шахс сифатидаги хусусиятларининг такомиллашуви ҳосилдир. Аллома таълимотида шахснинг шаклланиши ва тузилиши қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1- жадвал: Шахс

№	Шаклланиши	Тузилиши
1.	Микдор	Тан, ақл
2.	Сифат	Рух, қалб

Ҳар бир индивид оламда шахс сифатида турлича намоён бўлади. Ҳар бир шахс ўзининг хусусияти, қизиқиши, қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи, меҳнатга муносабати билан бошқалардан фарқланади. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, мазкур хусусиятлар ривожланиб, маълум бир босқичга етганда, у камол топган шахс сифатида намоён бўлади. Демак, шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида қарор топадиган, микдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар жараёнидир. Шахснинг шаклланишида шахсий хислат ва сифатнинг ривожланиб, тараққий этиб бориши муҳим ўрин тутди. Шахс сифатларини тўғри аниқлаш учун турли муносабатлар жараёнида уни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Аллома қарашларида муносабат жараёнлари шахс шаклланишига таъсир кўрсатувчи

она қорни(вужуди), оила, устоз, жамоа каби омиллар орқали изоҳлангани яқол намоён бўлади(1-иловага қаранг).

Шоир инсон борасида фикр юритар экан: “Тан — **меҳмонхонага** ўхшайди чунки, унга фикр келади”¹ ва бу шахснинг шаклланишига асосий манба ҳисобланади. “Тан — **асалари сандиғига** ўхшайди чунки, ичи мум ва бол каби тўлиқ”² ва бу шахснинг тарбияланганлигидан далолат беради. “Тан — **ҳаммом** чунки, унда рух, ақл ва нафс иссиқлиги мавжуд”³ бўлиб иссиқлик албатта ташқи таъсирсиз нарса ва ҳодисаларнинг таъсирсиз намоён бўлмайди ва бу албатта шахснинг ижтимоийлашувини намоён этади.

Бундан ташқари, шоир ақлга эътибор қаратиб, ҳамиша ақлни **созлаш** ва ақл **нисбатида гапириш** лозимлигини уқтиради⁴.

Румий қарашларида рух(жон) — тетиклик, поклик, баркамоллик, етуклик⁵ рамзи саналиб, қалб — ҳирс, шаҳват, жоҳиллик, бадниятлик васфини жиловлай олсагина “**вужуди маънавий**”⁶ яъни “маънавий баркамол”ликка эришади. Айниқса аллома, руҳни ривожлантириб бориш ва уни жисм(нафс)га йўлбошчи қилиш лозим, деб ўқтиради. Демак шоир нафсни ўлдириш эмас уни тарбиялаш лозимлигини, инсон ҳар он ўзини мунтазам назорат қилиб бориши зарурлигини, шаклимиз мазмунимизга мос бўлиши лозимлиги ғоясини олға суради. Румий томонидан изоҳланган маънавий вужуд яхшилик ва ёмонлик кураши натижасида шаклланади ва камол топади. Шундай экан, тадқиқот натижасида алломанинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларида ифодаланган ижобий ва салбий хислатлар имкон қадар аниқлаш ва таснифлашга ҳаракат қилинди.

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. — Т., 2010. — (618-бет).

² Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. — Т., 2003. — (186 -бет).

³ Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. — Т. 2003. — (46- бет).

⁴ Фиш Радий. Жалолиддин Румий: Тарихий биографик роман. — Т. 1986. — (22-бет).

⁵ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. — Т. 2010. — (846-бет).

⁶ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. — Т. 2010. — (501-бет).

2 - жадвал: Жалолиддин Румий маънавий таълимоти мазмунида инсон хислатлари таснифи

Ижобий хислатлар	Салбий хислатлар
Камтаринлик	Ҳирс
Одоблилик	Шаҳват
Меҳрибонлик	Жоҳиллик
Ҳурфикрлилик	Бадниятлик

Ҳаётда шахснинг миқдор ўзгаришидан ташқари сифат ўзгариши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сифат ўзгаришлари, албатта, руҳ тарбияси, қалб ва виждон уйғунлиги билан характерланади. Шахсда учта психологик эҳтиёж: мулоқот, билим, мустақиллик уйғун эканлиги сезилади ва бу каби эҳтиёжлар миқдор ва сифат ўзгаришлари бирлигида амалга ошади. Румий таълимотида шахс шаклланишида миқдорий ва сифат ўзгаришлар қуйидагича тасвирланади:

3 - жадвал: Шахс шаклланишида миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришлар

№	Миқдор ва сифат кўрсаткичлари
1.	Тан баркамолликдан сўнг қарийди, ақл саёзлашади, лекин руҳ барҳаёт ¹ ;
2.	Тан руҳнинг либоси, тана парваришланмаса, руҳ камол топмайди ² ;
3.	Ақл ва қалбсиз инсон туйғуларининг ҳеч бири ҳаракатга келмайди ³ ;
4.	Руҳ ва қалб танани бошқаради ⁴ ;

Шарқ алломаларининг аксариятида маънавиятга эришиш йўлидаги таълимотларининг турли талқинини кузатиш мумкин. Масалан, тариқат йўли, дарвешлик, таркидунёчилик, меҳнат қилиш, илм излаш, санъатнинг аксарият турлари ва кўпинча донишмандлик. Жалолиддин Румийнинг маънавиятга эришиш

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (66-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (292-бет).

³ Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. – Т. 2003. – (127-бет)

⁴ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (373-бет).

йўлидаги таълимотида ижодий фаолияти мазмуни алломанинг **мусиқа, рақс, суҳбат** шаклида намоён бўлади. Қуйида алломанинг маънавиятга эришиш йўлидаги таълимоти таснифи келтирилади.

4-жадвал: Алломанинг маънавиятга эришиш йўлидаги таълимоти

№	Шакллари	Метод	Воситалари
1.	Мустиқа	Тинглаш, чалиш, куйлаш	Най, рубоб, буб
2.	Рақс	Транс ва экстаз ҳолатига тушиб гир айланиш (Самоъ рақси) ¹	Узун ятак, чўққи қалпоқ
3.	Суҳбат	Кузатиш, сўзлаш, савол-жавоб	Ғазал, масал, рубоий, маснавий

Самоъ – дарвешларнинг зикр мажлисларида давра айланиб, жўшиб рақс тушишлари, мажозий мазмунда – важд ва солиқлар ҳолати тушунилади. Румий фикрича, фақат мурид(солиқ)лар эмас, инсонларнинг ҳаммаси узлуксиз тараққий этиши керак ва ўзининг таълимотида инсонни ёмон оқибатлардан тарбиялаш ва даволаш мумкинлигини таъкидлайди. У инсонни даволовчи (тарбияловчи) табибларни икки тоифа **тан табиби** ва **қалб табиби** ² кўринишида ифодалар экан, шу ўринда “сўз” ва “амал”ни танга малҳам бўлгувчи сув каби сингдирмоқ кераклигини айтиб ўтади. Румий инсонни уч гуруҳга ажратади. Булар, биринчидан, иймон-эътиқод, илм соҳиби, яъни малаклардир;

Иккинчидан, ҳирс, нафс соҳиби, яъни ҳайвонлардир;

Учинчидан, гумон соҳиби, яъни ярми инсон, ярми эшакдир³.

Аллома ушбу фикрлар орқали инсонларнинг маънавий тоифасини кўрсатиб беради. Демак, биринчи тоифадаги инсонлар камолот рамзи, иккинчи тоифадаги инсонлар жоҳиллик рамзи, учинчи тоифадаги инсонлар эса кун ва тун, нур ва соя хусусиятларини бирлаштириб олган бўлиб, уларнинг баркамол бўлиб шаклланиши узлуксиз маънавий тарбияни талаб этади.

¹ Самоъ – эшитиш, тинглаш; қўшиқ, мустиқа, рақс.

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (489-бет).

³ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (432-бет).

5 - жадвал: Шахснинг маънавий-ахлоқий кўриниши

№	Кўриниши	Сифатлари
1.	Малаклар	Иймон-эътиқод, илм
2.	Ҳайвонлар	Ҳирс, нафс
3.	Ярми инсон, ярми эшак	Гумон

Шоир шахс маънавий-ахлоқий тарбиясини амалга оширишда ва уни юксалтирувчи омил сифатида паҳлавон, мунши, сўфи фаолиятини яққол намуна сифатида келтиради¹. Айтишларича, подшоҳларнинг чап тарафида паҳлавонлар ўтиришади, чунки улар кўнгилга яқинроқдир. Подшоҳларнинг ўнг тарафида қалам аҳли муншилар ўтиришади, чунки илму хат ўнг кўлда ботилади. Қаршисида эса сўфи, донишмандлар ўтиришади, чунки улар жон ойинаси ҳисобланади². Демак, бу фикрдан инсонни ҳар томонлама баркамол, ақлли ва юксак маънавиятли қилиб тарбиялашнинг камолот мезони эканлигини англаш мумкин.

6 - жадвал: Маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтирувчи омиллар

№	Кўриниши	Фаолияти	Сифатлари
1.	Паҳлавон	Паҳлавонлик	куч, жасорат ва мардлик
2.	Мунши	Яратувчи, ёзувчи	ақл ва меҳнат севарлик
3.	Сўфи	Донишманд	иймон-эътиқодли, қалб ва виждонли

Фаолият мезонларни амалга оширишда шоир оғзаки таълим методига таянади ва суҳбат, ўртак натижасида шогирдларига таъсир кўрсатади. Шоирнинг педагогик таъсир кўрсатиш усуллари мантикий кўринишда бўлиб энг асосийси талаб, рағбатлантириш ва жазолашдан иборат. Румий ўша даврдаёқ талаб³ ҳамиша икки томонлама бўлиши ўзаро, муносабатлар субъект ва субъект кўринишида ташкил қилинишини таъкидлайди.

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (104-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (104-бет).

³ Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. – Т. 2003. – (105-бет).

Сен талабни устувор эт доимо,
Ки, талабдир йўллагувчи раҳнамо¹,

Шоир айтади: “Ҳар ўқиган кимса ақли етгунча англари, ҳар хизмат этгувчи кимса қучи еtgанича хизмат ётар”². Шунинчотга олган ҳолда таълим ва тарбияни оддийдан мураккабга томон ташкил этиш натижасида албатта, ўзлигини, ўз моҳиятини англаган шахс тарбияланади. Шоирнинг билимларни эгаллаш йўллари, усуллари қақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Унинг фикрича, устоз таълим олуvчиларга таълим беришда қуйидагиларга эътиборни қаратиши лoзим:

- нарсa ва ҳодисаларнинг сифатлари билан шогирдларга мисол келтириш;
- шогирдларга мураккаб билимларни осон йўл билан етказиш;
- шогирдларни ўрганишда ва уларга таъсир этишда суҳбатга таяниш;
- эътиборсиз шогирдларга нисбатан қаттиққўлик қилиш;
- шогирдларга самимий, ўз фикр ва ҳиссиётларини очиқ ифодалай олиш;
- шогирд (тингловчи)ни қисқа дақиқада уюштира ва бошқара олиш;
- шогирдларнинг имкониятлари ва қобилиятларига нисбатан тўла ишончни намоиш эта олиш;
- ҳар бир шогирднинг ҳиссиётлари ва кечинмаларини тушуниш;
- шогирдга ҳаётий ҳикоятлардан мисоллар келтириш ва раамзийликка таяниш;
- таъсир кучига эга бўлган сўзларни ишлатиб, тингловчини ҳайратлантириш;
- шогирдларнинг ҳам амал, ҳам илм соҳиби бўлишларини ишташ;
- шогирдларга билганини ўргатиш;
- зеҳни заиф бўлганларга юмшоқлик кўрсатиш;
- идроки сусларнинг тўмтоқлигини кўриб, мағрурланмаслик;

¹ Рӯмий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (274-бет).

² Румий Жалолiddин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (244-бет).

- зехни, идроки ўткирларга кўрслик қилмаслик;
- шогирдларни мустақил фикрлашга чорлаш;
- шогирдларга моҳиятни, яъни ўз-ўзини англашни ўргатиш;
- имтиҳон, синов қилиш орқали шогирдларнинг билим даражасини, сифатини аниқлаш, ўзлаштирганлигини текшириш, чидамли-чидамсизлигини аниқлаш, сўраб, текшириб, синаб кўриш ва баҳолаш лозим.

Алломанинг ушбу таълим бериш методларини ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тузилишини белгилаш ва юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдаги ўз даври учун инновацион омиллар сифатида қабул қилишимиз мумкин. Қуйида аллома таълимоти мазмунидаги устоз ва шогирд муносабатлари талқини келтирилади.

7 - жадвал: Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларида устоз ва шогирд муносабатлари

Устоз	Шогирд
Тушунтириш	Тушуниш
Ўргатиш	Ўрганиш
Мисол келтириш	Эътибор қаратиши
Ҳайратлантириши	Англаши
Очиқ ифодадай олиши	Тасаввур эта олиши
Исташи	Исташи
Сўзлаши	Тинглаши
Тинглаши	Сўзлаши
Кўрсатиши	Кўриши
Чорлаши	Эргашиши
Уюштира олиши	Уюшиши
Бошқара олиши	Риоя қилиши
Намойиш қила олиши	Намойиш қила олиши
Кўриши	Кўрсатиши
Аниқлаши	Бажариши
Ўртак бўлиш	Ибрат олиши
Назорат қилиш	Фарқлай билиши, бирлаштира олиши
Текшириши	Жавоб бера олиши, хулоса чиқариши
Баҳолаши	Белгиланган муаммони еча олиши

Алломанинг педагогик фаолияти ва қарашларидаги устоз ва шогирд муносабатлари талқини педагогик таъсир усулларида фойдаланиш тамойилларига тўла мос келади:

- педагогик оптимизм;
- ўқувчиларга ҳурмат;
- ўқувчининг руҳий ҳолатини тушуниш;
- ўқувчи табиатининг ташқи хусусиятлари ва сабабларини очиш;
- ўқувчининг тақдири билан қизиқиш кабиларга риоя қилиш. Қуйида аломанинг педагогик қарашларидан фойдаланган ҳолда таълим ва тарбия методлари таснифи келтирилади.

8 - жадвал: Таълим методлари таснифи

№	Методлар	Таснифи
1.	Амалий метод	Куйлаш ва соз чалиш орқали амалий машқ бажариш.
2.	Оғзаки метод	Нарса ва ҳодисалрни ҳикоя қилиб бериш, жумбоқ ташлаш (муаммоли вазият яратиш) орқали тингловчилари билан мулоқотни ташкил этиш, сўз ва суҳбат орқали шогирдларига педагогик таъсир этиш.

9 - жадвал: Тарбия методлари таснифи

№	Методлар	Таснифи
1.	Ибрат, намуна кўрсатиш	Зиддини мисол келтириб, моҳиятини очиб бериш, маслаҳат бериш, узр сўраш, ўртак кўрсатиш, ибрат олиш.
4.	Ҳикоя, суҳбат	Моҳиятини тушунтириш, ўргатиш-одатлантириш, машқ қилдириш.
7.	Рағбатлантириш	Тақдирлаш, таърифлаш.
8.	Жазолаш	Танбех, сукут.
9.	Талаб	Сўраш, тинглаш, таққослаш, хулосалаш, бирлаштириш, ажратиш.

Маънавий-ахлоқий тарбия узок муддатли, мураккаб жараён ҳисобланади ва уни такомиллаштиришга инновацион ёндашув янгилик ўрин алмашинувчи, бекор қилинувчи ёки очиб берувчиларга қараб белгиланади.

Бу жараённинг самарали ташкил этилиши бир қатор омилларнинг таъсири асосида кечади. Алломанинг қарашларида ўзлигини англаган шахс, энг аввало, ақлли ва соғлом туйғули киши бўлиб, руҳи танини ўз йўлига солган инсон бўлиши лозим.

Инсоннинг **ахлоқий қиёфаси** кўзларни, яхши нарсаларни кўришга қаратиши, кулоқларни ҳикматли сўзларни тинглашга қаратиши, сўзни ширин сўзлаши ва маъно билан тўлдириши, қўл ва оёқлар орқали яхши амалларни бажаришида бўлса, **маънавий қиёфаси** иймон-этиқодли, бағрикенг, иродали, қалби пок ва виждонли бўлишида эканлиги тасвирланади. Кўз, кулоқ, сўз, қўл ва оёқларни соф сақлаш инсон қалбининг тозалигидан далолат беради ва инсонда маънавий-ахлоқий қиёфа намоён бўлади.

Олий таълим тизимида Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларида акс этилган маънавий ва ахлоқий тарбия мезонларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки аллома қарашлари парчани бир бутунга келтириш, бир бутунни парчаларга бўлиб ўрганиш хусусиятлари мавжуд бўлиб бу албатта тараққиёт талаби бўлмиш таълимда интеграция ва дифференциация қоидаларига тўла мос келади. Қуйида масала моҳияти ёритилади.

10 – жадвал: Ахлоқий тарбияни шакллантириш усуллари ва уларнинг тавсифи.

№	Усуллари	Тавсифи
1.	Кўриш	Яхши нарса ва ҳодисаларни кўришга интилиш, ёмон нарса ва ҳодисани кўрганда баҳолай билиш, ёмон нарсаларни кўришдан ўзини тийиш,
2.	Эшитиш, тинглаш	Яхши нарса ва ҳодисаларни тинглашга интилиш, ёмон нарса ва ҳодисаларни эшитганда фарқлай билиш, ёмон нарсаларни эшитиш ва тинглашдан ўзини тийиш.
3.	Сўзлаш	Яхши сўзларни гапиришга интилиш, ёмон сўзларни гапиришдан ўзини тийиш.
4.	Амал бажариш	Яхши амал бажаришга интилиш, ёмон амаллардан ўзини тийиш.

11 – жадвал: Ахлоқий тарбияни шакллантириш мезонлари.

№	Мезонлари	Ахлоқий тарбияни шакллантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар
1.	Яхши нарса ва ҳодисаларни кўришга интилиш	Шахсни яхши ва ёмон билан таништиради, истикболини кўра билишга ўргатади, жамиятга тўғри йўлни кўришга кўмаклашади.
1.1.	Ёмон нарса ва ҳодисани кўрганда баҳолай билиш	Яхши ва ёмоннинг фаркига боради, кўрган вазиятни баҳолай билишда адашмайди, оқ-қорани танийди, эътиқоди мустаҳкамланади.
1.2.	Ёмон нарсаларни кўришдан ўзини тийиш	Нафсини ва ҳирсини жиловлайди, иродасини мустаҳкамлайди, фикрини мусаффо тутди.
2.	Яхши нарса ва ҳодисаларни тинглашга интилиш	Яхши (бунёдкор) ва ёмон (бузғунчи) сўзни, англайди, ўз-ўзини яхши нарса ва ҳодисаларни тинглаш орқали ривожлантиради, асабини даволайди.
2.1.	Ёмон нарса ва ҳодисаларни эшитганда фарқлай билиш	Алдов, фириб, сўзларни фарқлашни ўрганади, ёмон нарсаларни эшитганда виждонан ёндашади ва ўз танлаган йўлидан қайтмайди, алдовларга алданиб қолмайди.
2.2	Ёмон нарсаларни эшитиш ва тинглашдан ўзини тийиш	Соғлигини мустаҳкамлайди, фикрлаши тезлашади, турли нарса ва ҳодисани эшитганда иккиланиб қолмайди.
3.	Яхши сўзларни гапиришга интилиш	Яхши сўзларни ишлатишни, сўзни ўз ўрнида ишлатишни ўрганади, атрофдагилар ҳурматига сазовор бўлади.
3.1.	Ёмон сўзларни гапиришдан ўзини тийиш	Иродасини мустаҳкамлайди, чуқур ўйлаб кейин гапиришни ўрганади, сўз айтилагандан сўнг, уни қайтариб олиш мумкин эмаслигини англайди, ҳеч кимнинг қалбига озор бермайди.
4.	Яхши амал	Яхши амал фойдасини билади,

	бажаришга интилиш	хаммага ёрдам қўлини чўзишни ўрганади, бағрикенглик моҳиятини англайди.
4.1	Ёмон амаллардан ўзини тийиш	Иймонни мустаҳкамлайди, қилаётган фаолиятини англайди, манманлик ва такаббурликдан юз ўгиради.

12 – жадвал: Маънавий тарбияни шакллантириш усуллари ва уларнинг тавсифи.

№	Усуллари	Тавсифи
1.	Ишониш	Иймон-эътиқодли бўлиш,
2.	Қабул қила билиш	Кенг феълли, бағрикенг бўлиш.
3	Англаш	Мард, жасур, иродали, матонатли бўлиш.
4.	Ҳис қила билиш	Қалбига қулоқ тута билиш.
5.	Тушуниш	Виждонан ёндашиш.

13 – жадвал: Маънавий тарбияни шакллантириш мезонлари

№	Мезонлари	Маънавий тарбияни шакллантиришга оид хатти-ҳаракатлар
1.	Иймонлилик	иймон тозалиги, иймон омонлиги, иймоннинг кибру-ҳаводан хоилиги, иймонда сабр қаноатлилик, иймон тириклиги,
2	Эътиқодлилик	эътиқод тўғрилиги, эътиқодда журъатлилик, эътиқод мустаҳкамлиги, эътиқодда қатъиятлилик, эътиқодда ишонч, эътиқодда огоҳлик,
3	Бағрикенглик	биродарлилик, ирқчиликдан холи, кенг-феъллилик, миллатчиликдан холи, сажийлик, халқлар ва миллатлар аро тотувлик
4.	Иродалилик	иродани мустаҳкамлаш, нафсни тия билиш, бойликка хирс қўймаслик, манманлик ва такаббурликка

		берилмаслик, ўзгалар ютуғидан ҳасад қилмаслик, сабр-бардошли ва қаноатли бўлиш, матонатли ва мард бўлиш, меҳнатсевар бўлиш, ўтиб кетган нарса ёки фурсатга ачинмаслик, ёлғон гапларга ишонмаслик, ақл билан иш тутиш, ўзгалар қалбига озор бермаслик
5.	Кўнгил софлик	қалбни тозалаш, қалбни пок тутиш, қалбга кулоқ солиб иш кўриш, беғаразлик
6.	Виждонлилик	ҳалоллик, меҳр–вафо, хайру эҳсон, ғам чекиш, пушаймонлик, тавба қилиш

Аллома томонидан келтирилган шахс шаклланиши ва тарбиясидаги маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари аниқ ва тушунарлилиги билан фарқ қилади. Ушбу мезонлардан шахс ижтимоийлашувида, яъни оила, маҳалла ва таълим тизимида жорий қилинган маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини бойитишда улкан манбадир. Шоир бундан ташқари, шахсдаги маънавий-ахлоқий тарбияланганлик даражасини аниқ мисолларда изоҳлаб, кўрсатиб беради. Қуйида шахсининг маънавий-ахлоқий шаклланганлик даража кўрсаткичлари келтирилади.

14 – жадвал: Шахсининг маънавий-ахлоқий шаклланганлик даражаси

№	Хусусиятлари
1.	Кўнгли бедор, мусаффо, ўзгалар дардини билгувчи.
2.	Яхшилик изловчи, халқни ўзига эргаштириб билувчи.
3.	Нафс ва ҳирсини жиловлаган, камтарин.
4.	Ўз шахсий фикрига эга, нарса ва ҳодисалар моҳиятини англаган
5.	Оқил, доно, фозил, фикратшунос (тўғри фикр юрита оладиган).
6.	Хушнафас, нотик, хушкалом.
7.	Ғовларни енгувчи, зулматдан ҳалос этгувчи, истиқболни кўзлагувчи.
8.	Ҳабиб (дўст), пешрав (илдам борувчи).

Аллома маънавий-ахлоқий қарашларида Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан ташқари зардуштийлик таълимоти ғоялари ҳам мужассамлигини “Маснавий”нинг аксарият байтларида кузатса бўлади ва эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил қилишнинг бош омили эканлиги яққол намоён бўлади. Шоир ушбу амаллар соҳибини камолотга эришган, ўзлигини англаган шахс сифатида таърифлайди.

Юқорида келтирилган Румийнинг ҳаёт фалсафаси ёки ҳаёт формуласи бўлмиш “Хом эдим, пишдим, ёндим” ғоясининг мазмуни унинг қарашларида ўз ифодасини топган. Алломанинг ўзлигини англаган шахс сифатларини келтириш билан юксак маънавиятли шахс қиёфасини ифодалаш мумкин.

15 - жадвал: Ўзлигини англаган шахс

№	Сифатлари
1.	Ақл билан ирода йўлини ёритиб биладиган киши;
2.	Ақлли ва соғлом туйғули киши;
3.	Руҳи танини ўз йўлига солган киши;
4.	Иймонли – қалбида руҳини қарор топтирган киши;
5.	Моҳиятни англаган киши;

Алломанинг таълимоти инсоннинг жисмоний, руҳий тараққиёти ва маънавий камолотига қаратилиганлиги билан қимматлидир. Шу ўринда Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид педагогик концепцияси тамойилларини қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- Маънавий тушунчаларини бойитиш ва уларни таҳлил қилиш.
- Ахлоқий меъёр кўрсаткичларини юқори кўтариш.
- Нарса ва ҳодисаларни руҳий кечинма ва ақлий салоҳият орқали уйғунлаштира олиш.
- Ижтимоий ва маданий ўзига хосликни бағрикенглик билан қабул қилиш.
- Жамият ривожининг ижтимоий-сиёсий тузилмасида инсон омилининг ўрнини тушуниш.
- Инсоннинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва такомиллаштириш.

– Интеллектуал, маданий, маънавий, жисмоний ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш, кўзга тутилган инновацион ёндашув сифатида таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларни бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган юксак маънавиятли кадр бўлиб етишишида хизмат қилади.

Хулоса сифатида таъкидлаб ўтиш муҳимки, Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлариолам тузилиши ва одам сийрати, ҳаёт, тириклик сиру асрорлари, жамият, дунёнинг барча сиру синоати ҳақида фикр мулоҳазаларини ҳикматлар, ривоятлар, масаллар мазмуни орқали нафис ва чуқур очиб беради. Ҳозирги кунда Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбия борасидаги таълимоти биз учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки биринчидан, у инсон тан ва руҳ уйғунлигида шаклланиши, ривожланиши ва камол топиши муҳимлигини изоҳлаб инсонни улуғлайди ва уни юксак мақомга кўтариб маънавий тараққиёти учун муносиб замин яратади.

Иккинчидан, ақл ва қалб уйғунлигини ифодалаш орқали миллат ва халқлар ўртасидаги дискриминация (камситиш, таҳқирлаш, ҳуқуқий жиҳатдан чеклаб қўйиш)ни йўқотишни олға суради, турли халқлар ва миллатларнинг тинч- тотувликда яшаши орқали бағрикенглик маданиятини олға суради.

Учинчидан, шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасини тасвирлаб шахс компетентлигидаги имкониятларини кўрсатиб беради. Миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш йўллари орқали маънавий-ахлоқий тарбия усуллари ва мезонларини аниқлаб беради.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯГА ОИД ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАКЛ, УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Маънавий мерос, умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда шахсни юксак маънавиятли ва гўзал ахлоқли қилиб тарбиялаш учун, энг аввало, таълим-тарбия жараёнини фойдали элементлар билан бойитиш зарур бўлади. Булар:

– Таълим тизимининг мақсади, мазмунидан келиб чиқиб метод, усул, воситалар ва технологияларни тўғри танлаш ҳамда ташкил этиш.

– Педагогик фаолиятдаги ўзига хослик, яъни ўқув-билиш жараёнини самарали ташкил этиш.

– Таълим даражаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизими.

– Ўқув методик таъминот.

– Тарбиявий ишлар тизими.

– Ўқув режа ва ўқув дастури.

– Ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти.

– Натижа.

– Ўқув тарбиявий жараёнида бошқаришда намоён бўлади.

Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда, мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради¹.

Миллий моделнинг бош мақсади ҳар томонлама баркамол, мустақил ва эркин фикрловчи, дунёқараши кенг ижодкор шахсни тарбиялашдан иборат. Бу вазифани эса юксак маънавий тарбияни ташкил қилмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ушбу маънода ўқитувчилар зиммасига қўйиладиган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш вазифаси замонавий педагогика фанининг мазмун-моҳиятини ташкил этади ва вазифа миллий педагогикамизнинг зиммасига юклатилади.

Айни пайтда Жалолиддин Румий ижоди ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан узлуксиз таълим тизимининг барча жабҳаларида фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бироқ қандай шакл, усул ва воситалар орқали шоир ижодидан фойдаланиш муҳим?

Узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим ва ўрта умумтаълимнинг бошланғич таълими жараёнида шоирнинг содда кўринишдаги, образли, рамзийликка асосланган ҳикоялардан

¹ Каримов И.А. Юксак малакали ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль

фойдаланиб болаларни инсонпарварлик, дўстлик, садоқат, саховат, очик кўнгиллик, камтаринлик каби хислатларни тарбиялашда фойдаланиш мумкин. Шоир қарашларида образлилик (лочин, ўрдак, ғоз, товус, зоғ, хўроз, чумчук, ари, қарға, тўти қуш, хачир, туя, кийик, сичқон, арслон, шер, қуён, бўри, тулки, эшак, чумоли, хўкиз, сигир, мушук, балиқ) ва рамзийлик (най, нўхат, Ойбону(капкир), дарахт) каби тимсоллари орқали тасвирланган. Айниқса, “Маснавийи маънавий” асарида “Тойчоқ”, “Пашша ва шамол”, “Нафс ваҳший арслон кабидир”, “Уч балиқ ҳикояси”, “Чумчуқнинг овчига ўгити”, “Туя хўкиз ва қўчқор”, “Сичқон ва қурбақа” сингари кўплаб образлиликка асосланган ҳикоялари ва “Ҳаёт дарахти”, “Сув саси”, “Бир ҳашаматли салла”, “Шам”, сингари бир қатор рамзийликка асосланган ҳикоялари орқали тарбияланувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салмоқли таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўрта умумтаълимнинг бошланғич синфида ўқитиладиган ўқиш, одобнома, атрофимиздаги олам фанларида ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларда шоир ҳикояларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга инсонпарварлик ғояларини шакллантириш ва камтаринликни ўргатиш мумкин. Масалан: бир сичқон туяни арқонидан тортиб ўз-ўзига мағрур бўлгани воқеасида, туянинг арқонидан маҳкам ушлаб сичқон ўзини шер каби тасаввур қилибди. Буни кўрган туя: “Шошма бир сенга мақтанчоқлик қандай бўлишини кўрсатиб қўяй”, – дебди ва йўлини сув томонга бурибди. Сичқон: “Шошма мен сувга чўкаман-ку”, – дебди. Туя: “Ундай бўлса катталикни ўзингга ўхшаганларга қил”, – дебди.

Кўриниб турибдики манманлик, такаббурлик, қўлидан келмайдиган ишга катталик қилиш ярашмайди ва мақтанчоқ ана шундай ҳолга учрайди. Яна бир ёрқин мисол, бошланғич синф ўқувчиларида ўйин фаолиятидан ўқиш фаолиятига ўтиш жараёни бўлганлиги учун, уларда масулият ва интизом тушунчасини шакллантиришда “Нўхат” ҳикоясини фойдаланиш мумкин. Бир нўхат қозонга кирган экан дод-вой солибди: “Нега мени оташга соласизлар, яна Ойбону капкири билан бошимни эгасизлар”, – дебди. Шунда Ойбону: “Сени қайнатишимиз аламдан эмас. Камситиш, таҳқир ҳам эмас бу имтиҳон. Яъни сен мазали, тотли таом бўлиб жон бағишлашинг учундир. Эй нўхат, ўсиб – униб

яшнадинг. Энди меҳмон келди, унга хуштаом бўлгин. Токи улар сени тановул қилиб мадҳингни куйлашсин”, – дебди.

Демак, катталарнинг гапига кулоқ тутиш, устозлар насиҳатига амал қилиш юзага келган муаммолар, тушунмовчиликлар ечимини бартараф этиб яхши йўлга бошлайди. Ўрта умумтаълимнинг юқори синфларида ва ўрта махсус касб-хунар талими жараёнида шоирнинг касбга йўналтириш, илм эгаллаш, меҳнат, сабр, нафсни тарбиялаш каби қарашлари ўқувчининг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада ривожлантиришда ва дунёқарашини шакллантиришда, бадий-эстетик дидини шакллантиришда қўл келади. Она тили ва адабиёт, тарих, одобнома каби ижтимоий-гуманитар фанларда шоирнинг ҳикоя, масал, ҳикматли сўзларидан фойдаланиш муҳимдир. “Она тили ва адабиёт” фанидан академик лицей ва касб-хунар коллежи 1-курс талабаларига мўлжалланган дарс соатида Жалолиддин Румий ижодига ўрин берилган бўлиб, фақатгина шоир рубоийларини ўрганишга эътибор қаратилган. Ваҳоланки алломанинг маърифий мероси улкан уммон. Масалан: “Маснавий”даги “Ғилай шогирд”, “Ўзидан қочиш”, “Бир кўза сув”, “Вужудига игна билан расм солдирган одам”, “Карнинг бемор зиёрати”, “Кўнгил ойнаси”, “Одамий пинҳон эрур тил остида”, “Хўжа ва луқмон”, “Оғзига илон кирган кимса”, “Аҳмоқнинг севгиси”, “Туякаш ва файласуф”, “Фил қиссаси”, “Шоқолнинг товусликни даъво этгани”, “Нафсига банди бўлган киши”, “Воиз”, “Хушбўй хидлардан ўзидан кетган одам”, “Амал билан насиҳат этмоқ сўз ила ўғит бермоқдан афзалдир” каби кўплаб ҳикоя ва масаллари фанни мазмунан ва сифат жиҳатидан бойитишда жудда қимматли манбадир. Масалан, “Нафсга банди бўлган киши” ҳикоясида, бир бойвачча бор молу мулкани санамлар учун сарф қилиб, айшу ишратга берилиб хонумонидан жудо бўлибди, дўсти душманга хору – зор бўлибди бир кун кўчада дарвешни учратиб: “Мени бир дуо қил, мен бир сафолатга учрадим, боримдан айрилдим, йўлимдан адашдим. Мени дуо қил, бу ботқоқликдан халос қил, аввалги мартабамга эришай”, – дебди. Шунда дарвеш: “Сенинг қўл оёғинг боғланган эмас, сен банди эмассан ёки сени ҳеч ким бошинг устида турмайди, тергамайди. Сени қайси банддан, қайси ботқоқдан қутқарай? Кишанларни арралаб кесиб бўлади, зиндонни ҳам бузса бўлади,

лекин сенинг бандинг олдида не-не темирчилар нотагон”, – дебди.

Ёки шоир инсон ҳаётида қоронғулик (илмсизлик)ни енгиш учун шам (устоз) ва илмнинг қанчалик даражада зарурлигини “Филнинг шаклу – шамойили” ҳикоясида кенг ёритиб ўтган. Ҳиндлар бир филни етаклаб қоронғу хонага олиб кирибдилар. Уни кўриш учун кирган одамлар хона қоронғулиги туфайли уни кўра олмабдилар. Филга ҳар ким қўл чўзиб кафтини филнинг устига сурибди. Бири фил хартумини ушлаб уни тарновга ўхшатибди. Бири фил қулоғини ушлаб, филни баҳайбат елпиғичга ўхшатибди. Бири эса йўқ сиз айтгандай эмас фил фақат сутунга ўхшар, дебди. Бири эса фил устини сийпаб, у хонтахтага ўхшайди дебди. Ким филнинг қаерини силаган бўлса, филни ўшандай тасаввур этибди. Шу сабабдан сўзларидан тафовут келиб чиқибди.

Ҳар бирининг илкида бўлсайди шам,
Ихтилоф бўлмасди зоҳир зарра ҳам.

Олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим тизими ва кадрлар малакасини ошириш таълими жараёнида алломанинг чуқур мантикий, фалсафий ва таълимий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўзликни англаш, моҳиятни англаш, камолот борасидаги фикр, қарашлари шахснинг ўзини англаши ва баркамол инсон сифатида такомиллашишида катта дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот объекти олий таълим тизимида Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий қарашларидан фойдаланишни ёритиш бўлганлиги учун унга атрофлича ёндашишга ҳаракат қилинди (2-иловага қаранг). Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат таълим мазмунини тубдан янгилаш, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашишни ҳам талаб этмоқда. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида педагогик фаолиятни ташкил этишда анъанавий ва ноанъанавий ёндашувлар кўзга ташланади. Олий таълим тизимида Жалолиддин Румий ижодидан фойдаланиш ва маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини ёритишга ушбу иккала ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: “Халқ педагогикаси”, “Оила педагогикаси”, “Коррекцион педагогика асослари”, “Тарбиявий ишлар

методикаси”, “Педагогик фикрлар тарихи”, “Педагогика тарихи”, “Ижтимоий педагогика”, “Қиёсий педагогика”, “Педагогик маҳорат”, “Психология”, “Туркий халқлар адабиёти”, “Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари”, “Тарихшунослик”, “Фалсафа”, “Маънавият асослари” каби фанларда фойдаланиш мумкимлиги аниқланди. Айниқса, олий таълимнинг педагогик олий ўқув юртларида ўрганиладиган “Педагогика” фани ўқитувчилик касбига тайёрлаш тизимида алоҳида аҳамият касб этади ва ихтисосликка йўналтирувчи фан ҳисобланади. Мазкур ўқув фани миллий ва умуминсоний қадриятлар, урф-одат, маросим ва анъаналар ҳамда халқ педагогикаси ақидаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифалари, тарбия жараёни моҳияти ва мазмуни, тарбия тамойиллари, тарбиянинг умумий методлари, дидактика, унинг мақсад ва вазифалари, таълим жараёнини мазмун-моҳияти, таълим қонуниятлари ва тамойиллари, таълим методлари ва воситалари, таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари, Ўзбекистон таълим тизими ва коррекцион педагогика тўғрисида бўлажак ўқитувчиларга тушунча бериш орқали ёш авлодни тарбиялаш, шахсни камол топтириш, эътиқод ва маслакларини шакллантириш, маънавий-ахлоқий юксалтириш жараёнига олиб киради. Шу ўринда мазкур ўқув фани таркибига умуминсоний қадриятлар ва маънавий меросга таянган ҳолда Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиб юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш шакл, усул, воситалари киритилса, шахснинг иймон-эътиқоди, иродаси, толерантлиги, руҳи, қалб ва виждон тарбиясини ривожлантиришга катта аҳамият касб этар эди. Педагогика фанининг бошқа фанлар орасидаги тутган муҳим ўрни ҳам ана шундадир.

Румийнинг ижоди ва таълимоти мазмунидаги педагогик қарашлари педагогиканинг “Нима учун ўқитиш керак?”, “Нимани ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?”, “Қандай ҳажмда ўқитиш керак?”, “Кимларни ўқитиш керак?”, “Қаерда ўқитиш керак?”, “Нимадан фойдаланиб ўқитиш керак?” каби саволларига жавоб бера олади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 26 декабрдаги “507” – сонли буйруғ билан тасдиқланган ва рўйхатга олинган №БД5110000 – 3.02 “Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” ўқув дастурига

мувофиқ, педагогика назарияси қисмида шоирнинг педагогик қарашларини “Шарқ мутафаккирларининг таълим методлари ҳақидаги фикрларини ва комил инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари”ни бойитишда фойдаланиш улкан ижобий натижа беради. Бундан ташқари тарбия методлари мазмунини, айниқса, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришлари ҳақидаги бандини, маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини бойитиш мумкин.

Айниқса, дастурнинг педагогика тарихи қисмида “VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти” бобида “Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”асарининг шахс камолотини таркиб топтиришдаги ўрни” мавзуси билан аллома ижодидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Педагогика тарихи” дарсликларида, ушбу даврларни ёритишда форс-тожик, турк, араб тилида ижод қилган алломалари ижоди улкан илмий манба саналади. Кўрсатиб ўтилган даврларда илмий ва адабий доираларда форс тилида ижод қилиш, шеърлар битиш урф бўлганлиги туфайли кўпгина алломалар ижоди форс тилида яратилганлиги яққол намоён бўлади. Шунга асосланиб, педагогика тарихи тараққиётини янада такомиллаштиришда форс тилида ижод қилган Саъдий Шерозий, Лутфий, Абдурахмон Жомийлар қатори Жалолиддин Румий ижодидан тўлақонли фойдаланиш муҳимдир.

Дастурнинг “Педагогик маҳорат” қисмида алломанинг ижоди талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни амалга оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

Чунки, Жалолиддин Румий маънавий мероси, айниқса, улкан “Маснавийи маънавий” асари олий таълимда таҳсил оладиган талабаларда ҳурфикрлилик, эркин фикрлаш, ўзликни англаш, иродавий ва ҳиссий имкониятларни ривожлантириш, педагогик қобилиятларини шакллантириш, таълим жараёнидаги маҳоратини ошириш, педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш каби тушунчаларни ёритишда қимматли педагогик манба саналади ва таълим-тарбия жараёнида маънавият тушунчасини изоҳлашда ва юксак маънавиятли шахс тимсолини шакллантиришда методологик асос бўла олади. Қуйида аллома

маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишда таълимнинг анаънавий шакллари кўрсатилади.

**15 -жадвал. Жалолиддин Румиймаънавий меросидан
фойдаланишга оид таълимни ташкил этишнинг анаънавий
шакллари**

№	Таълимни ташкил этишнинг анаънавий шакллари
1.	Маъруза
2.	Семинар, амалий машғулот
3.	Лаборатория
4.	Консультация (маслаҳат)
5.	Ўқув анжуманлари
6.	Мустақил иш

Биринчидан, алломанинг ижоди ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари аксиологик ёндашув, халқ оғзаки ижоди, Эзоп масаллари, “Авесто”, Ҳинд эпоси бўлган “Панчатантра” (“Калила ва Димна”), турли динлардан келтирилган кўплаб иқтибослар ва сўфийлик таълимотида келтирилган мураккаб шарқ фалсафий фикрларининг содда, изоҳли баёни, тарихий шахслар ва тарихий воқеаларнинг тўла қамраб олинганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унинг ижодидан узлуксиз таълим тизимида фойдаланиш муҳимдир.

Иккинчидан, шоир қарашлари орқали маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини бойитишда кенг фойдаланиш мумкин. Чунки, шоир ижодида шахсни қандай маънавий-ахлоқий тарбиялаш кераклиги, маънавий баркамол шахс кўриниши ва унинг хислатлари тасвирланади. Айниқса, шоир ўз қарашларида камолотга путур етказадиган ахлоқсизликни қоралайди ва шахсни тарбиялашда салбий хислатлардан воз кечиш кераклигини изоҳлайди.

Учинчидан, айти пайтда педагогик жараёнда талаба ва ўқитувчи муносабатига йўналтирилган технология асосида шахсга йўналтирилган таълим технологияларини янада мустаҳкамлаш учун шоир ижоди қимматли манба саналади. Инновацион фаолиятга фойдали элемент олиб кириш сифатида алломанинг инсонпарварлик, ҳамкорлик, тенглик, биргалик,

эркин фикрлаш, эзотерик(ботиний, маънавий) фикрлашга асосланган қарашларидан фойдаланиш муҳимдир.

Ўқув дарс жараёнларидан ташқари тадбирларда ҳам аллома ижодидан кенг фойдаланиш ва олдимизга қўйган мақсад - “Талабаларда маънавий-ахлоқий тарбияни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш”ни амалга оширишда қўллаш зарурлиги намоён бўлди. Айниқса, Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш йўлида ташкил этиладиган таълимий ва тарбиявий тадбирларнинг қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир:

1) ташкилий жиҳат - тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан жиддий ёндашиш, мақсаднинг аниқлиги, вазифаларнинг тўғри белгиланганлиги, жараёнда қўлланилаётган шакл, метод ва воситаларнинг мақбуллиги, натижаларнинг таҳлил этишга етарли даражада эътиборнинг қаратилиши, холис баҳо берилиши;

2) субъектлар фаолиятини акс эттирувчи жиҳат – тадбирнинг уюштирилиши, ташкил этилиши ва ўтказилишига масъул бўлган шахсларнинг ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилиятига эга эканликлари, педагогларнинг раҳбар сифатида ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатишлари, мавжуд камчиликларни илғай олишлари ва уларни бартараф этиш чоратадбирларини белгилашда тезкор ҳаракат қила олишлари, талабаларнинг алоҳида фаоллик кўрсатишлари, тадбирлар савиясининг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлашга имкон берувчи мулоҳазаларни илгари сура олиши, мустақил ҳаракат қила олишлари ва бошқалар.

Жалолиддин Румийнинг маънавий меросидан фойдаланишга йўналтирилган тадбирлар ўз кўламига кўра университетлараро (институт), муайян факультет ёки гуруҳларда амалга оширилади. Ушбу жараёнда маънавий тарбияга мўлжалланган ойлик ва йиллик тадбирлар режасига таяниб иш кўриш муҳимдир. Аллома ижодига асосланган тарбиявий тадбирларни ташкил қилишда, энг аввало, уларни олдиндан тузилган режа асосида амалга ошириш лозим. Режада, албатта, тадбир ўтказилаётган синф, иш жойининг безатилиши, деворий газета чиқарилиши, альбомлар тузиш, кўргазмалар тайёрлаш, бадий чиқишларнинг тартиби ва кетма-кетлиги, қатнашувчилар

сони ва ҳоказолар, яъни, тадбир мақсади ва мазмунига мос ишлар олдиндан белгиланади.

Маънавий-ахлоқий тарбияга асосланган тадбирларни амалга оширишда ўқишдан ташқари бўш вақтларининг ҳажми, лаёқат, қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олиниши муҳим роль ўйнайди. Уларни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларнинг белгиланган мавзу, мақсад ва танлаб олинган ғояларга қизиқувчанлиги, фаоллигини, ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга эътибор бериш лозим. Бу ҳолат ўқувчининг тадбирнинг моҳияти, мазмунини етарлича англаши, унда етарли даражада маънавий баҳраманд бўлишини таъминлайди. Ўқувчиларда шоирнинг қайси қараш ва ғояларидаги масалалар, воқеалар ва муаммолар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилаётганлиги, нималарни билишга интилаётганлиги, қандай эҳтиёжлар туғилаётганлигига диққат ва эътибор бериш, уларнинг қизиқишлари асосида маънавий-маърифий тадбирлар мавзуси танланиб, улар оддий ва тушунарли даражада ўтказилишга олиб келади.

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга доир қарашларидан фойдаланишда таълимий-тарбиявий ишларни муайян тизим асосида, изчил ва узлуксиз ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, таъсир доираси кучли бўлган ҳикоялардан фойдаланиш талабаларнинг тадбирга нисбатан бефарқ бўлишига имкон бермайди, аксинча, қизиқишларини оширади.

Жалолиддин Румийнинг чуқур мантиқий, баъзи ҳазилга йўғрилган ёки ахлоқсизликни қораловчи қарашларидан талабаларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбияловчи таълимий-тарбиявий ишларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Маънавий-ахлоқий кўринишдаги ҳикоялар юксак ғоявий-сиёсий йўналишда бўлиши; танланган қарашлар мавзуларининг ижтимоий-фойдали йўналишда ва ижодий характерда бўлиши; маънавий-ахлоқий ишлар таълим-тарбия ишларининг умумий вазифаларига бўйсундирилиши, энг асосийси ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Аллома маънавий меросига асосланган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил қилишда ўзлаштирилиши муҳим бўлган қоидалардан яна бири тарбиявий тадбирларнинг ижтимоий

фойдали йўналишда ва ижодий характерда бўлишидир. Яъни, иймон, эътиқод, бағрикенглик, ирода, виждон, қалб борасидаги мавзулар ўқувчи ёшларда ижодкорлик ҳисси ва куч-ғайратини ривожлантириш, ўз жамоаси, халқи учун фойдали фаолиятга интилишини кучайтиришга хизмат қилиши лозим.

Маънавий-ахлоқий тарбияни такомиллаштириш, сифат жиҳатидан бойитишга йўналтирилган педагогик фаолият муваффақияти унинг шакл, метод ва воситаларининг тўғри танланишига боғлиқ. Бинобарин, улар ташкил этилаётган жараёнга субъектлар (ўқувчи, талаба, ота-она, респондентлар)ни самарали жалб этиш, уларнинг фаоллигини таъминлаш, жараённинг кечиши ва яқунлари тўғрисида маълум хулосаларга келиш, натижаларни таҳлил этиш, эришилган ютуқларга баҳо бериш ёки йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш чоратadbирларини белгилашга имкон беради.

Педагогик олий таълим муассасаларида талабаларига Румийнинг илмий ижоди, маънавий-ахлоқий қарашлари, моҳият, ўзликни англаш борасидаги қарашларини сингдиришда, “Ичиндаги ичиндадир”, “Маснавий”да келтирилган маданий меросини мужассамлаштирган турли-туман ҳикоя, ҳикматли сўзлар, суҳбатлардан фойдаланган ҳолда баҳс, мунозара кечалари, беллашувлар каби тадбирлардан фойдаланиш мумкин. Бундай тадбирлар маънавий-ахлоқий тарбияни такомиллаштининг таркибий қисмлари бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим тизимида Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга асосланган қарашларидан фойдаланишга ва талабаларда маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланишига хизмат қилувчи фаолиятга йўналтирилган тарбиявий ишлар қамраб олиш кўламига кўра қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Муайян талаба билан якка тартибда амалга оширилувчи тадбирлар.

2. Маълум гуруҳ талабалари иштирокида ташкил этилувчи тадбирлар.

3. Бир неча гуруҳни қамраб олган ҳолда ўтказилувчи тадбирлар.

Олий таълим муассасалари Жалолиддин Румий маънавий меросидан кенг фойдаланиш мақсадида мумкин қадар самарали,

таъсирчан тадбирларни уюштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу борадаги педагогик фаолиятнинг қуйидаги шакллар ёрдамида амалга оширилиши тадбирларнинг самарали бўлишини таъминлайди:

16 - жадвал. Жалолиддин Румий маънавий меросидан фойдаланишга оид таълимни ташкил этишнинг ноънанавий шакллари

№	Таълимни ташкил этишнинг ноънанавий шакллари
1.	Суҳбат
2.	Баҳс-мунозара
3.	Давра суҳбати
4.	Конференция
5.	Тадқиқот
6.	Кўрик-танловлар
7.	Матбуот конференцияси
8.	Тўғарак

Юқорида кўрсатиб ўтилган тарбивий тадбир шаклларнинг ҳар бири ўзида олий таълим тизимида Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш борасидаги умумий ва хусусий мақсадни акс эттира олади.

Қуйидаги таълим методлари ва воситалари Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишда самарали саналади:

1. Суҳбат методи – талабалар Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари борасида тушунчага эгалиklarини англаш, унинг ёшларда маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантириш борасидаги фикрларини ўрганиш ҳамда муаммо юзасидан эркин, мустақил фикр юритишларини таъминлашга ёрдам беради.

2. Савол-жавоб методи – олий таълим муассасаси талабаларининг Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари ҳақидаги шахсий мулоҳаза ва қарашларини аниқлашга хизмат қилади. Саволларнинг аниқ, қисқа бўлиши ва тўғри фойдаланиши талабаларга мантиқий фикрлашга имкон беради.

3. Маъруза методи – талабаларда Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларининг моҳиятини англатиш, асарларининг маъносини тўғри тушунтириш, шахсда сўз юритилаётган маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантириш омиллари, шарт-шароитлар ва педагогик имкониятлари тўғрисида маълумотлар беришга йўналтирилади.

4. Тушунтириш методи – талабаларда Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишнинг назарий моҳияти ва унга эга бўлишнинг ижтимоий аҳамияти, миллат равнақи, юрт озодлигини таъминлашдаги роли ҳақидаги тушунчалар ҳосил қилинади.

5. Интерфаол методлар – талабалар томонидан Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари ҳамда шахсда маънавий-ахлоқий тарбиянинг шаклланиши юзасидан эркин, мустақил фикр юритиш, баҳс-мунозарани ташкил этиш кўникма ва малакасининг тарбияланиши, талабаларнинг стандарт фикр юритишдан озод этиш, шунингдек, муҳокама этилаётган муаммонинг ечимига оид ранг-баранг ғояларни тўплашга имкон беради.

6. Эксперт баҳолаш методи – тадбирлар иштирокчилари (респондентлари) фаолиятининг тенгдошлар томонидан ўзаро ёки махсус белгиланган экспертлар гуруҳи томонидан ҳолис, объектив, ҳар томонлама тўғри баҳоланишини таъминлашга ёрдам беради.

7. Ҳикоя қилиш методи Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларининг ижтимоий аҳамияти, бугунги кундаги маънавий-ахлоқий тарбиядаги ўрни, ёшларда сўз юритилаётган тарбияни такомиллаштириш юзасидан жонли нутқ ёрдамида тушунтиришларни олиб бориш ҳисобланади. Тушунтириш талабалар томонидан муаммонинг моҳиятини тўғри англанишига имкон яратади.

8. Муаммоли вазиятларни яратиш методи – талабаларни тадқиқот муаммоси ҳамда унинг моҳиятини ёритувчи таянч тушунчалар юзасидан ҳар томонлама жиддий фикр юритиш, муаммонинг ечимини топишда мавжуд интеллектуал имкониятлардан фойдалана олиш кўникмасининг шаклланишини таъминлайди.

9. Манба билан ишлаш методи – Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари моҳиятининг талабалар томонидан тўғри ва тўлақонли англаниши, уларнинг эътиборига ҳавола этилаётган саволлар, муаммоли вазиятлар бўйича кичик тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш кўникма ҳамда малакаларига эга бўлишларига ёрдам беради.

10. Кўргазмалилик методи – талабалар томонидан ўзлаштирилаётган назарий маълумотларни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳиятини тўлақонли англаниши, билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларининг тарбияланиши учун зарур шароитни юзага келтиради.

11. Фаолиятда машқлантириш (амалий машқлар) методи – интеллектуал тренинглар асосида талабаларда маънавий-ахлоқий тарбиянинг такомиллашиши учун шароит юзага келади.

12. Амалий тажрибалар (тадқиқотчилик) методи – талабалар эътиборига ҳавола этилаётган мавзуларда мантикий фикр юритиш, шахсий фикр-мулоҳазаларини илгари суриш, ўз қарашларини далиллаш, ҳимоя қилиш, тенгдошларини уларга ишонтириш кўникма ва малакаларининг тарбияланишига ёрдам бериш билан бирга улар томонидан муаммо моҳиятини чуқур англаниши учун зарур шарт-шароитни юзага келтиради.

Жалолиддин Румий маънавий меросининг назарий ва амалий жиҳатларини ёритишда қўлланиладиган таълим воситалари таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ўқитишнинг асосий воситалари сифатида асосий ўқув мазмунига эга бўлган режалар, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларда Румий илмий меросидан етарлича фойдаланишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан юқорида изоҳланган “Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” фани кесимида аниқроқ ифода этадиган бўлсак, **Педагогика назарияси бўлимларида:**

– **Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.** Шахснинг ижтимоийлашувида жамоа, муҳит ва ижтимоий муносабатларнинг ўрни.

– **Таълим методлари ва воситалари.** Шарқ мутафаккирлари таълим методлари ва тамойиллари ҳақида.

– **Тарбия жараёнининг мазмуни. Тарбия тамойиллари.** Шарқ мутафаккирлари комил иносн тарбияси ҳақида.

– Ўқитувчилар жамоасининг шахс ривожланишидаги ўрни. Шарқ мутафаккирлари жамоа ва унинг шахсга таъсири тўғрисида.

– **Тарбия методлари.**

– **Илмий дунёқарашни шакллантириш.**

– **Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш.**

– **Педагогика тарихи:**

– **IX асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.**

– **Педагогик маҳорат:**

– **Педагогик фикр тарихи...** Шарқ мутафаккирлари ижодий меросида мураббий (мударрис) шахси, фаолиятига қўйиладиган талабларнинг ифодаланиши.

– **Ўқитувчи фаолиятида педагогик ва коммуникатив қобилият.**

– **Мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогик мулоқот.**

– **Ўқитувчи маҳоратини шакллантириш йўллари ва шарт-шароитлари.**

Юқорида ифодаланган мавзулар мазмунини ифодада аллома ижодидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги мавзулар мазмуни тавсия этилади.

Жалолиддин Румий шахси ва илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари. Румий дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳит унинг асарларига таъсири. Румий ҳаёти ва ижоди тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилиши. Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг манбаи.

Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита эканлиги. Румий асарларида шахс маънавий-ахлоқий тарбияси ва ҳозирги глобаллашув жараёнидаги маънавий уйғунлик сифати. Инсон тарбияси ва уларни ҳозирги мустақиллик шароитида устувор йўналиш сифатида тан олинган комил инсон тушунчаси билан қиёслаб ундаги бунёдкор ғоялардан узлуксиз таълим тизимидаги ёшларни тарбиялаш жараёнида фойдаланиш йўллари. Шоир асарларида шахс тарбиясига таъсир кўрсатувчи “она қорни”, “оила”, “устоз”, “жамоа” каби омиллар.

Жалолоддин Румий қарашлари ва унинг таълим-тарбия тараққиётидаги ўрни. Румий қарашлари ва унинг таълим-тарбия тараққиётидаги ўрни ва муносабатлари концепцияси. Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларида устоз-шогирд фаолияти муносабатлари. “Маснавий”да кўрсатилган ўқитиш фаолияти: шарафли устозлар, сохта устозлар, ўқитиш усуллари ва ўқиш фаолияти: муносиб шогирд, укувсиз, бепарво шогирд каби тушунчалар. Таълим-тарбия жараёнида ўзликни англашнинг ўрни. Румий инсон маънавий етуклигида ўзликни англаш, ўз моҳиятини билиш масалалари.

«Маснавийи маънавий» асарида баркамол инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари. Асарда иймонли, тўғри эътиқодли, бағрикенг инсонни тарбиялаш борасида. Асарда ирода мустаҳкамлиги тарбиялашда сабр ва нафснинг ўрни борасида. Асарда қалб поклиги ва виждон уйғоқлиги шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги аҳамияти борасида.

Ўқитишнинг қўшимча воситалари сифатида таълим олувчилардаги Румий маънавий меъросини ўрганишга бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи маълумотлар, асарлар, насрий ҳикоялар баёни, тематик тартибдаги ҳикматлар, изоҳли луғат, маълумотномалар, тарқатма материаллар, кўрсатмалар ва кўргазмалар воситалар ва бошқалардир.

Ўқитишни такомиллаштирувчи дастур воситалари – бу мутахассислар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ва предметдаги тегишли мавзулар бўйича дарс жараёнини такомиллаштиришга имкон берувчи интеллектуаллаштирилган дастурлар ва уни амалиётга жорий этишга шароит яратувчи дастурий, техник воситалардир.

Олий таълим муассасалари Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш жараёнида бир қатор таълимий ва тарбиявий воситалардан ўринли, мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бериш лозим. Мазкур ўринда қуйидаги воситалар самарали ҳисобланади:

1. Техник қурилмалар – компьютер, видео ва аудио магнитофонлар, нусха кўпайтириш қурилмаси, радио, телевизор, интернет ва бошқалар.

2. Ёзма манбалар – илмий, илмий-оммабоп, оммабоп ва бадиий адабиётлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий ҳужжатлар, луғатлар.

3. Моддий ашёлар – иш юритиш қуроллари (иш қоғози, ручка, ёзув тахтаси, фломастер, скотч).

Ёрдамчи материаллар – карточкалар, жадваллар, схемалар, тасвирлар, макетлар ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки:

– Румий педагогик фаолиятини илғор педагогик тажриба сифатида қабул қилиш мумкин, чунки унинг ижодида интуиция ва ижодкорлик жуда кучли кўринишга эга.

– Румий педагогик фаолиятида устоз ўқитувчи эмас “маслаҳатчи” вазифасида туради.

– Румий қарашларида келажак авлод ва педагоглар жамоасини ижтимоий ҳимоялаш биринчи навбатда турган.

– Румий қарашларидан фойдаланиб таълим-тарбиянинг сифат даражасини ривожлантириш мумкин.

– Румий ўз қарашларида ўз-ўзини англашнинг қимматли йўналишлари ва ҳаёт тарзини белгилаш асосида, шахс ривожланиши учун имконият яратиб берган.

– Румий мунозара пайтида муаммони танқидий таҳлил жараёнини ҳам таъминлайди.

– Румий шахс характер-хусусиятини етарлича баҳолай олади.

– Румий ўқитувчининг педагогик фаолиятини олиб боришда ҳалақит берадиган психологик тўсиқларни енгиб ўтади.

Кўзда тутилган маънавий-ахлоқий тарбияни такомиллаштиришдаги инновацион ёндашув таълим-тарбия жараёнида ўқувчи-талабаларни бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган юксак маънавиятли кадр бўлиб етишишида хизмат қилади ва уларда:

– ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи маънавий мезонларни билиши;

- соғлом ҳаёт тарзини юритиш зарурияти бўйича илмий тасаввур ва эътиқодга эга бўлиши;
- ўз касбий фаолиятида асосли мустақил қарорларни қабул қила олиши;
- ўз устида ишлаши каби сифатлар муҳимлигини яққол намоён этади.

Шундай қилиб, олий таълим муассасаси талабаларида маънавий-ахлоқий тарбияни шакллантиришдек мураккаб педагогик жараёнда Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишни ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларини танлай билиш, улардан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАСТЕР КЛАССЛАР (МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ)

1 - ТАВСИЯ

Жалолиддин Румий илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари мавзусида муаммоли маъруза

Мавзу	Жалолиддин Румий илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари
--------------	---

1.1 Маъруза машғулоти таълим технологияси модели

Машғулот вақти: 2 соат	Талабалар сони: 30 нафаргача
Ўқув машғулот шакли	Муаммоли маъруза
Машғулот режаси	
1. Румий дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳит унинг асарларига таъсири. 2. Румий ҳаёти ва ижоди тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилиши. 3. Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг манбаи.	
Ўқув машғулотининг мақсади: Жалолиддин Румийнинг ҳаёти -	

иждоди ва “Маснавийи маънавий” асарининг мазмун моҳияти ҳақида билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар: 1. Мавзуни изоҳлаш: муаммоли вазият яратиш, савол бериш, муҳокама, изоҳ. 2. Мавзуни эълон қилиш, режалар, асосий адабиётлар билан таништириш. 3. Мавзуни режа асосида узлуксизлик билан таништириш. 4. Жалолиддин Румий ҳаёти ва иждоди ҳақида маълумот бериш. 5. “Маснавийи маънавий” асари моҳияти ва маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларин борасида маълумот бериш ва муҳокама. 6. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш. Тест асосида билимлар мустаҳкамланади.	Ўқув фаолиятининг натижалари: 1. Мавзуни идрок этадилар; изланадилар, саволни қабул қиладилар; муаммо ечимини топишга ҳаракат қиладилар. 2. Мавзу ва режалар, асосий адабиётлар, баллар тақсимоти билан слайд воситасида танишадилар, ёзиб оладилар. 3. Мавзу мазмунини тинглаб ёзиб оладилар. 4. Жалолиддин Румий ҳаёти ва иждоди ҳақида маълумотга эга бўладилар. 5. “Маснавийи маънавий” асари таркибий қисмлари ва мазмун моҳияти билан танишадилар. 6. Тест ёрдамида маърузадан олинган маълумотларни умумлаштирадилар ва мустаҳкамлайдилар.
Таълим технологиялари	Муаммоли таълим
Таълим бериш усуллари	Маъруза, баҳс-мунозара, савол-жавоб, сухбат, тушунтириш
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Маъруза матни, компютер, видеопроектор, графикли ташкил этувчилар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров, тезкор сўров, тест.

Маъруза машғулотининг технологик харитаси.

Иш Жараён лари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчи
1-босқич Кириш (10мин.)	1.1. Муаммоли вазият яратилади. Муаммоли саволлар ҳавола қилинади (1-илова). 1.2. Мавзу номи ва режаларини эълон қилади. 1.3. Савол-жавоб асосида фикрлар умумлаштирилади. 1.4. Мавзу асосида фикр билдирилади.	1.1. Муаммоли вазият ечимларини излайдилар. 1.2. Эшитишади ва ёзиб олишади. 1.3. Маълумотга эга бўлиш. 1.4. Тушуниб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди ҳақида (2-илова) маълумот берилади. 2.2. “Маснавийи маънавий” асарининг таркибий қисмлари билан таништиради. Ундаги маънавий-ахлоқий тарбияга оид ҳикоя, масал ва ҳикматли сўзлар моҳиятини очиб бериш учун (3-илова) топшириқлар берилади. 2.3. Тест ёрдамида маърузадан олинган маълумотларни умумлаштиради ва мустаҳкамлайди (4-илова).	2.1. Танишади ёзиб олишади. 2.2. Асар мазмуни ва моҳияти билан танишади. Асар юзасидан топширилган топшириқ билан танишадилар фикр алмашадилар. 2.3. Топшириқни бажаришади.
3-босқич (10 мин)	3.1. Бажарилганишлар якунланади, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантирилади. 3.2. Мавзуни тўлиқ ўзлаштириш мақсадида ўтилган мавзуга савол-жавоб ўтказилади.	3.1. Баҳоланади. 3.2. Саволларига жавоб берадилар.

Мавзу: Жалолиддин Румий илмий меросини ўрганишнинг педагогик асослари

Режа:

1. Румий дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳит ва унинг Румий асарларига таъсири.
2. Румий ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилиши.
3. Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари – инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги муҳим манбаи.

Таянч тушунчалар: Маънавий меърос, комил инсон, ахлоқ, маънавият, ўзликни англаш, моҳият.

1. Румий дунёқараши шаклланган ижтимоий муҳит унинг асарларига таъсири

XIII аср тасаввуф адабиётининг буюк намояндаси, сўфийлик таълимотининг етук вакили Жалолиддин Румий (1207-1273)нинг шахс сифатида камол топиши, яратган асарларининг бебаҳо қийматга эга бўлишида ўша давр шарт-шароити ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Румий ўзидан кейинги авлодларга беш муҳим ва қимматбаҳо асарини қолдирди: 1. **"Девони кабир"**, **"Девони Шамси Табризий"**, **"Девони Шамсул Ҳақойиқ"** деган номлар билан машҳур бўлган ғазал ва рубоийлардан иборат девон. 2. **"Маснавийи маънавий"** – 25700 байтдан ташкил топган бебаҳо таълимий-тарбиявий асар. 3. **"Фийҳи ма фийҳи"** ("Ичингдаги ичингдадир") – Мавлононинг суҳбатларидан иборат фалсафий китоб. 4. **"Мавоизи мажолиси сабъа"** – Румийнинг етти ўғит ва панд - насиҳатларини қамраб олган асар. 5. **"Мактубот"** – Мавлононинг турли даврларда замондошларига ёзган мактубларидан тузилган тўплам.

Аллома яшаб ижод қилган даврдаги ижтимоий, фалсафий ва педагогик муҳит Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199-1221) ҳукмронлиги, мўғул хони Чингизхоннинг (1161-1227) мўғул давлатини барпо қилиш учун олиб бораётган курашлари ва мусулмон оламидаги барча илмий доира ва фикрий ҳаракатлар ақлий далил ва қиёслар келтиришга ҳаддан ташқари берилиб кетган давр билан боғлиқ. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг таржимаи ҳолида инсоннинг шахсиятига таъсир қила оладиган

кўпгина омилларни кузатишимиз мумкин. Бу омилларнинг бошида оилада ота таъсири туради. Жалолиддиннинг отаси Баҳоуддин Валад ўз юртининг кўзга кўринган олимларидан ва асрнинг таниқли машойхларидан бири эди. Уни Уламолар султони деб аташган. Баҳоуддин Валад Шайх Мажидиддин Бағдодий, Нажмиддин Кубро (1154-1226)лардан таълим-тарбия олади ва ўз замонасидаги фозил кишиларнинг жамиятни, инсониятни кадрламаётганлиги, нафс, мол-мулк орттиришга берилиб кетганликларини қаттиқ қоралайди.

1212 йили Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Султон Усмон билан жанг қилиб, шаҳарни эгаллаб, уни талон-тарож қилган чоғида Баҳоуддин Валад оиласи билан Самарқандда яшар эди. Ўша йиллар Хуросону Ироқдан кўпгина зиёлилар хоразмшоҳлар салтанати ҳудудини тарк этишган эди. Жалолиддиннинг отаси Султон Валад ҳам оиласи ва муридларини олиб, Балхдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Кетаётганларида Жалолиддин отасининг халфаси бўлмиш Саид Бурҳониддинга кўчларни аравага ортишда ёрдам берар экан, улар орасидаги жилд-жилд ҳадислар – Пайғамбарнинг ҳаёти ва панду ҳикматлари ҳақидаги ривоятлар, ҳуқуқи ислом, шариат билимдонларининг ишлари, Мутаннабий, Соний, Аттор каби шоирларнинг девонлари, Ғаззолий, Ал-Хоразмий каби алломаларнинг шикаста, хати настаълиқ ила битилган асарларига кўзи тушади. У Хуросоннинг онабош шаҳри Балхда, Ҳиротда, Хоразм, Бухоро, Самарқандда, Нишопуру Табризда, Дамашқда, Нажафу Басрада, хуллас, маърифатли ислом оламининг барча гўшаларида хаттотлар томонидан кўчирилган китоблар, чарм ёки ёғоч, сахтиён ёки заррин муқоваларга жо этилган Балх воизлари ва уламоларининг неча-неча насл-насаби томонидан йиғилган, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган асарларнинг кутубхонасидан олиб чиқилганини кўради.¹ Бундай маънавий бойликлар Жалолиддин Румий маънавий дунёқараши шаклланишида пойдевор вазифасини ўтаганига шубҳа йўқ.

Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридуддин Атторнинг(1151-1221) башорати билан бўлганини

¹Фиш Радий. Жалолиддин Румий: Тарихий - биографик роман. – Т., 1986. – (5-бет)

унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача бир овоздан тасдиқлайдилар. Алишер Навоий ҳам Румийнинг Аттор билан учрашувини шундай тасвирлайди: “Макка борурда Нишопурда Шайх Фаридуддин Аттор суҳбатиға етиштилар. Шайх “Асрорнома” китобин аларға берган экандур. Доим ўзлари билан асар экандурлар.”¹ Учрашувда Аттор ўспириннинг суҳбатидан мамнун бўлиб, отасига қарата: “Ўғлингиз тез орада оламдаги барча куйганлар қалбига оташ солади”, - деб башорат қилади.² Аттор ва Румий учрашуви тарихда афсонага айланган бўлса-да, лекин бу учрашув рухий яқинлик рамзи, икки буюк илоҳиёт куйчисининг дийдорлашуви ҳам эди. Румий ўз асарлари, айниқса, “Маснавий”сида Атторнинг қарашларини кўп бора тилга олади.

Румий Дамашқ ва Бағдод мадрасаларида, буюк алломалар ҳузурида илм ўрганди. У форс-тожик, араб ва туркий тилларни ҳам ўзлаштирди. Баҳоуддин Валад Нишопурдан Бағдодга ва кейинчалик Куфа йўли орқали Каъбага йўл олди. Ҳаж амалини бажаргандан сўнг, қайтишда Шомга кириб ўтади. Шомдан Малатия, Эрзинжон, Сивас, Қайсари, Ниғде йўллари орқали Ларенде (Караман)га келади. Баҳоуддин Валад Султоннинг таклифини қабул қилади ва 1228 йил 3-майда Кўнёга оиласи ва дўстлари билан келади. Султон Алоуддин Кайқубод уларни тантана билан қаршилаб, яшашлари учун Олтинапа мадрасасидан жой ажратади. Баҳоуддин Валад 1231 йил 12 январда Кўнёда вафот этади. Отасининг ўлиmidан сўнг Румийга отасининг халфаси Бурҳониддин Муҳаққиқ устозлик қилади. Шайх ўшанда “Мавлонода ғурур ва худбинликдан асар ҳам қолмаганини, у энди ўзи бошқа солиқларга муршид бўлиш даражасига етгани”³ни англайди. Румий Дамашқда буюк фикр олими Ибн ал-Адим, Ҳалабда ҳадис, тарих, фалсафа, калом ва илми баъде алломаларидан бўлмиш Умар Бинни Аҳмад бинни Ҳиббатуллоҳ қўлида таҳсил олади. Аммо бу илм руҳсиз танадан иборат бўлиб,

¹ Алишер Навоий. Насийим ул-муҳаббат// Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик 17 – жилд. – Тошкент, 2001. – (327-328-бет)

² Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. – Техрон, 2001. – (11-бет)

³ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. – Техрон, 2001. – (18-бет)

курук сўзлардан нарига ўтмайдиган, тил ва ақл доираси билан чегараланган эди.

Жалолиддин Румий яшаган замон ва маконда, илмий ва адабий доираларда форс тилида ижод қилиш, шеърлар битиш урф бўлган эди. Ўша вақтнинг таомилига кўра, айти шу шеърый услуб муносиб саналар эди. У бошқа услублардан устун турар эди. Одамларда ҳам айти шеърый асарларга қизиқиш ва уларнинг қадрини юқори билиш истейдоди шаклланган эди. Румийдан олдин ўтган кўзга кўринган намоёндалар ҳам худди шу услубни танлаган эдилар. Уларнинг Ислом оламида ном қозонган асарлари айнан форс тилида ва шеърый услубда битилган эди. Улардан бири машҳур шоир Санойи Ғазнавий (1048-1140)нинг «Ҳадоийқ ал-ҳақиқат» (Ҳақиқат боғлари) номли китоби эди. Иккинчиси Румийнинг маънавий устози машҳур сўфий шоир Фаридуддин Аттор (1145-1221)нинг «Мантиқ ут-тайр» асари эди.

Мавлоно Румийнинг Шамсиддин Табризийга йўлиқиши ва ундан қалб илмларини ўрганиши Румий ҳаётида катта ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўлди. “Мавлононинг Шамс билан робитаси мухлис муриднинг ўз муроди билан робитасидир.”¹ Шамс Табризий Мавлоно билан 1244 йилнинг 26 ноябрь куни Кўнёда учрашган. Кейинчалик халқ бу ерни “Маржа-ал-бахрайн” (“Икки денгиз қўшилуви”) деб атаган.

Румий шахси ана шундай шахслар тарбияси орқали шаклланди ва камолга етди. Унинг асарларидаги диний-маърифий ғоялар ислом тасаввуфи асосида тузилган бўлса-да, Мавлоно ўз даврида мустақил ўзига хос позицияга эга эди. Бу унинг ислом ва тасаввуф маънавияти асосида, халқчил руҳда битилган фалсафий мушоҳадаларга бой ҳикоятлари ҳамда маснавий жанридаги, шеъриятида намоён бўлади.

2. Румий ҳаёти ва ижодининг тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилиши

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий меъроси, айтиқса унинг “Маснавийи маънавий” асарини Шарқу Ғарбда жуда катта қизиқиш билан ўрганилган. Румий илмий меросини

¹Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий: Куллиёт Ж.1. К.1. /(Таржима шарҳи билан; Таржимон: Асқар Маҳкам.) – Т., 1999. – (15-бет)

тадқиқ этишга Европа шарқшунослиги йўл очди. Олмониялик шарқшунос олима А.Шиммелнинг¹ Румий ижодини, хусусан, унинг “Маснавий”сини тадқиқ этиб ёзган асарида кўрсатилишича, Ғарбий Европа XVIII аср охиридан бошлаб шарқшунослик илми намоёндалари орқали Румийни таний бошлади. Унда Ж.Валленбург, Ж.Хаммер, Ф.Рукерт, Ж.Редхоуз, Р.Никольсон ва А.Ж.Орбери каби олимларнинг номи бунга мисол қилиб кўрсатилади. Бундан ташқари, Ғарбда Румий ижодини ўрганишда яна В.Дюрант, С.Трименгем, Г.Ете, У.К.Читтик, У.Бюргел, К.Баркс, К.Хуарларнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Рус шарқшунослигида эса сўфийлик таълимоти бўйича олиб борилган изланишларда тасаввуф намоёндалари қаторида Румийнинг илмий мероси бир қатор олимлар томонидан ўрганилганлиги кузатилади. А.Крымский, Е.Э.Бертельс, В.В.Бартольд, В.А.Жуковский, В.Гордлевский, Ф.Корш, И.Селвинский, М.Н.Османов, Г.Корогли, Н.Мартинович, А.Мец, И.С.Брагинский, Р.Фишнинг, А.А.Хисматулин, О.М.Ястребов, кейинчалик Д.Щедровицкий, М.Хаткевичларнинг, И.Бугаев, Н.Чистяков, Л.Тирасполський, С.Сечевлар таржималари ва турли муносабат билан ёзилган тадқиқотларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.²

Румий илмий ва ижодий меросини тадқиқ қилишда Шарқ мамлакатлари – Покистон, Ҳиндистон, Эрон³, Туркия¹,

¹ A. Shimmel. The Triumphal Sun, Persian Studies Sepies. – London: 1978. –382. P.; R.A.Nicholson: Mowlavi (Jalaluddin Rumi) The Mathnavi. Hermes pub., 2003, p.: 300.

² Крымский А.Е. «Очерк развития суфизма до конца III века в гиджри», Москва, 1895, с.47-48.; Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - М.: 1965.; Р. Фиш. Жалолиддин Румий. Т.1986 / Рус. Ж.Камол тарж. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 269 б.; **Руми, Джалаладдин**. Дорога превращений: суфийские притчи/ДжалаладдинРуми; сост.,пер.[фарси], религиоз._филос. коммент. Д.Щедровицкого; этико_психолог. коммент. М.Хаткевича. — М.: Оклик, 2007. — 380 с.

³ Фурузонфар Б. Аходиси “Маснави”. – Тегеран: 1344 х.; Яна: Мукаддима // Мухаккиқ Бурхонуддин. Маориф. – Тегеран: без года изд.; Хумои Ч. Газалиёти девони Шамс // Газалиёти Шамси Табрези.-Тегеран: 1335 х.; Чаъфари М. Тафсир ва нақд ва тахлили “Маснави”-и Мавлоно Чалолуддин Мухаммади Балхи.- Тегеран: без года изд. - Ч. 1-15.; М. Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га мукаддима. –Т: 2001.

Озарбайжон² ва Тожикистонда³ ҳам қатор илмий ишлар амалга оширилган.

Бизнинг заминимизда Румий ижодига муносабат XIV асрдан бошлаб юксак даражага кўтарилган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий, кейинчалик эса Мирзо Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб каби буюк сўз усталари Румийни ўзларига устоз деб билиб, унинг асарларидан илҳомланиб, илмий-тарихий, бадиий асарлар яратганлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги қисқа давр ичида Румий маънавий меросини ўрганиш, уни кенг оммага етказиш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилди. Бунда, энг аввало, Румий асарларининг форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилганлиги эътиборга моликдир. А.Маҳкам, Ш.Шоҳмуҳаммедов, Ж.Камол, У.Ҳамдам, М.Ҳасанийлар шундай забардаст мутаржимлардандир. Н.Комилов, Э.Очилов, О.Усмон, Ҳ.Ҳомидий, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтабоев, Т.Қаҳҳор, Р.Жумаев, А.Самад, А.Тилавовлар ўзларининг илмий ижодларида Румий қарашларини фалсафий, адабий жиҳатдан ўргандилар.⁴

¹Усмон Нурий Тўпбош. Бир кўза сув // Маснавийи маънавий асари таҳлили. – Тошкент: 2007. Салжук Эройдин. Тасаввуф ва тариқатлар. – Истанбул: 1993.; Ризо Ораста. Мавлоно Жалолиддин Румийнингinsonийлик қарашлари. Ишқда ва яратилишда янгидан туғилган // Таржимонлар Б. Демикур, И. Ўздемир. – Анқара: 2000.; А. Гулпинорли. Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти, асарлари, фалсафаси. – Истанбул 1990; Мавлоно. Маснавий // Таржимон Валад Ўзбўтоқ. Анқара, 1998; Махмуд Ўндар // Хом эдим-пишдим, ёндим. Анқара 1999; Муҳаммад Озар, Салоҳ Билиги. Қалбларнинг зийнатлари. – Истанбул, 1973.

² Ахундов М.Ф. Асарлари, Баку, 1988, II ж., с. 286.; Ибрагимова Ильхама Гасан Кузу. «Месневи-е меневи» Мевлана Джалаладдина Руми как один из основных источников исламского суфизма. Специальность 09.00.03 – История фил. Авто. дис. на соискании ученой степени канд. фил. наук. Баку – 2005.

³ Богоутдинов М. Очерки истории таджикской философии. – Сталинабад: Таджикгос. Издат, 1961.; Мохтар Т.Д. Педагогические идеи Джалаладдина Руми в системе современных общеобразовательных школ Ирана//Автореферат дисс... кан. пед. наук, - Душанбе, 2010-стр.31.; Х.Ш.Кабиров. Специфические особенности языка поэзии Джалаладдина Руми : диссертация кандидата филологических наук: 10.02.22; [Место защиты: Тадж. нац. ун-т].- Душанбе, 2009.- 149 с.

⁴ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий // Ж.Камол тарж. –Т.: “Меринус” ХХМК, 2010. – 846 б. 238-239-бетлар.; Жалолиддин Румий. Ичингдаги

Республикамизда фалсафа тарихи фанидан Румийнинг тасаввуфий-ирфоний ва фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш борасида сўнгги йилларда бир неча дадил қадамлар ташланди. Жумладан, тадқиқотчилар Г.Н.Наврўзова¹, Г.Т.Қобулниёзова², Н.И.Зайнобидиновалар³ Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” ва “Ичингдаги ичингдадир” асарларини фалсафий таҳлил қилиш асосида унинг дунёқарашидаги инсон маънавий камолоти билан боғлиқ ғояларнинг ижтимоий-маънавий аҳамиятини ёритиб бердилар ва булар қаторида Филология фани доирасида Қ.Тўхсановнинг⁴ Румий ҳикматлари таржималарининг қиёсий таҳлили бўйича тадқиқот ишини кузатишимиз мумкин.

Умуман олганда, Румий ижодини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Бироқ улар, асосан, шарқшунослик, адабиётшунослик, тасаввуфшунослик, фалсафа ва қисман психология йўналишларида олиб борилган. Натижада мутасаввуф қарашларининг аниқ педагогик таҳлили эътибордан четда қолган. Ҳолбуки, педагогика тарихида Румийнинг педагогик қарашларининг ўрни беқиёс.

3. Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари – инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги муҳим манба

Асрлар давомида буюк аломалар томонидан бизга маънавий мерос бўлиб қолган инсон маънавий-ахлоқий камолоти борасидаги асарларнинг номланиши ва маънавият тушунчасининг ёритилишида ахлоқ, комил, фозил, футувват,

ичингдадир. //туркчадан Улуғбек Ҳамдам тарж/Фалсафий-маърифий асар. Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир Н. Комилов. –Т.: Меҳнат, 2001. – 199 б.

¹Наврўзова Г.Н., Рахматова Х.Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. - Б.: “Бухоро”, 2010. – 160 б.

²Қобулниёзова Г.Т., Зайнобиддинова Н. И. Олам ҳаёл билан қоимдир. – Т.: Маърифат. 2003. 6 октябрь.

³Зайнобиддинова Н.И. Жалолиддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи // 09.00.03- Фал. тарихи. Фал.фан.номз.дисс...автореф. – Тошкент, 2011.-29 б.

⁴Тўхсанов Қ. Румий ҳикматлари таржималарининг қиёсий таҳлили. / таржимон – Жамол Камол ва Эргаш Очилов томонидан ўзбекчалаштирилган/. –Т.: Ўзбек тили ва адаб. 2009. №4. 90-93 б.; Тўхсанов Қ. Навоий ижодида Румий даҳоси. - /Румийшунослик/. Тил ва адаб.таълими ойн. 2009. №5. май. 52-57 б.

маърифат, мантиқ (маъно), иймон сўзлари ишлатилганлигини кузатамиз. Аммо фақат Жалолиддин Румий ижодида “маънавият” сўзи ишлатилган. Шоир “Маснавийи маънавий”да Шарқ халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналаридан ҳикоят тарзида кўпгина намуналар келтиради ва улар турли даражадаги китобхонга мос келади. Бу асарда нарса–ҳодисаларнинг ички ҳолатига муносабат билдирилган бўлиб, Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифларга шарҳлар келтирилган. Шунингдек, “Маснавийи маънавий” инсон тафаккурининг юксак кўриниши ва юксак ахлоқ китоби сифатида, бугунги глобал иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бу асар барча замонлар учун маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишда муҳим қўлланма бўла олади.

Мавлавийга “Маснавий” бурҳондир,
Паҳлавий алфозида Қуръондир.¹

“Маснавий” – “Қуръони каримнинг очик-равшан баёни... маънавий ризқни кенгайтирувчи... хулқларни пок... мартабаларни юксак”² тутгувчи асар. Олти китобдан иборат бўлган бу дидактик асар 760 га яқин Қуръон оятлари шарҳи, 703 ҳадис намунаси, турли миллий эпос, халқ оғзаки ижоди намуналари ва таржималарни ўз ичига олган. Асарда маънан етук, комил инсон масаласи, пайғамбар, авлиё, сўфий, шайх, устозлар таълимоти етакчи ўринни эгаллайди. Асар ҳажми олти китоб – 25 632 байт ёки 51 264 сатрни ташкил этади. “Маснавий” ҳақида олимлар: “Тарихда “шариф” деб сифатланган учта асар мавжуд бўлиб, биринчиси – “Бухоройи шариф”, иккинчиси – “Шифойи шариф” ва учинчиси – “Маснавийи шариф” дейишади.³ Маснавий [арабча – кўшалок, иккилик; икки мисрали шеър шакли] ҳар бир байтининг мисралари ўзаро қофиядош бўлган ва байтдан байтга қофиялар янгиланиб борадиган шеър шакли.⁴

¹ Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий: Куллиёт Ж.1. К.2. /(Таржима шарҳи билан: Таржимон Асқар Маҳкам.) – Т., 2007. – (10-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (6-бет).

³ Усмон Нури Тўпбош. Бир кўза сув. – Т., 2007. – 200 б. – (8-бет).

⁴ **Ўзбек тилининг изоҳли луғати:** 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т., 2006. – (552-бет).

Румий ўзи “Маснавий”да “маънавият денгизин кўр ҳар нафас”,¹ – деб таъкидлайди. Шоир асарда маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларни тарғиб этишда нафақат инсонлар орасидаги муносабатга таянади, балки рамзийлик (лочин, ўрдак, ғоз, товус, зоғ, хўроз, чумчуқ, қарға, тўтиқуш, хачир, туя, сичқон, арслон, шер, куён, бўри, тулки, эшак, чумоли, хўкиз, сигир, мушук) жихатидан ҳам ёндашади ва асарда жой номлари (Шом, Ироқ, Самарқанд, Бухоро, Ҳиндистон, Ҳирот, Туркистон, Чин, Дамашк) ҳам турли муносабат билан тилга олинди. Масалан: “Бечавандоз отнинг ёлғиз оти бор, от суворийсиз асло йўлни топа олмас”,² “Илк уйингдан кўнглингни узма, деб итларга итлар ҳам ўғит беришади”³ каби ёки илм-маърифат маскани саналган Бухоро ҳақида ҳикоя келтирилади ва:

Ул Бухоро гулшани ирфон эрур,

Ким бухорийдир, азиз инсон эрур, – дейди.⁴

“Маснавий”нинг биринчи китоби сўзбошисида: “Маснавий Ҳақ таолога восил бўлиш сирларини кашф этишда ва илму-л-яқин ҳосил қилишда диёнат усуллари усулларининг усулидир,” – дейилади. “Маснавий” – ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган китоб. Бу китоб, асосан, инсоннинг юксак тафаккур ва ахлоқи борасида ибрат-намуна бўлиб хизмат қилади.⁵ Биринчи китобда *“Шоҳ, канизак ва табиб”, “Баққол ва унинг тўтиси”, “Ғилай шогирд”, “Халифа ва Лайли”, “Нафс ваҳший ҳайвон кабидир”, “Тўтиқуш”, “Кекса чолғучи”, “Бир кўза сув”, “Тилишунос ва қайиқчи”, “Вужудига игна билан расм солдирган одам”, “Мену биз”, “Меҳмон”, “Карнинг бемор зиёрати”, “Кўнгил ойнаси”* каби бир қатор ҳикоятлар ва ҳикматли сўзлар келтирилган бўлиб, **шахс маънавий-ахлоқий шаклланишига биринчи қадам, хулқнинг пок ва гўзал бўлишига эътибор қаратилган.** Асардаги ҳикоятларда шарқона анъаналарнинг сақланганлиги яққол кўзга ташланади. Ҳикоят ва маталлар орқали келтирилгин образлардаги муносабатларда устоз ва шогирд муносабати, ота ўғил муносабати, аёл эрки, инсонийлик,

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (640-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (168-бет).

³ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (254-бет).

⁴ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (355-бет).

⁵ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (6-бет).

жавонмардлик, донишмандлик муносабатлари устун туради. Асар Румийнинг ўз қўли билан ёзган “най” образи акс этган 18 мисрали шеър билан бошланади ва у 12 йилда ёзиб тугатилади.

Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардин шикоят айлагай.¹

Биринчидан, Най ясалиши жиҳатидан содда кўринишига эга бўлса-да, мураккаб тузилиш касб этади. Унинг сиртидан олиб ташланган бир парча пўстлоқ остида қолган пардага товушнинг урилиб чиқиши, овоз тембри туфайли маъноли нола оҳанги пайдо бўлади. Шоир найнинг шу хусусиятини образлантириш орқали инсон қалбига таъсир кўрсатишни кўзлайди. Румийда мусиқага мойиллик бўлгани сабаб мусиқа созларининг мазмун-моҳиятини яхши англай олган.

Иккинчидан, асарда “Най” образи бир мурид кўринишида тасвирланган бўлиб, оддий бир қамишга ишлов бериш орқали “най” яралади ва най ўзининг оташин куйи орқали моҳиятини тингловчига англатади. Бу ҳолат муридга таълим-тарбия бериш жараёни шакллари “аслига қайтиш”, “қалбда ўтли бўлиш”, “ўзлигини англаш” ва тарбия воситалари орқали мурид ўз моҳиятини англашига муқояса қилиш мумкин.

Асарда ҳикоятлар мазмунан бир-бирига боғлиқ ҳолда жойлаштирилгандай кўринса-да, баъзида ҳикоятда кўтарилаётган мавзу мантиқан умуман бошқа бурилиш ясайди ва охирида бари - бир биринчи белгиланган мақсадга қайтиб, унинг моҳияти очиб берилади. Бу жараён тарбиянинг ҳаёт билан боғланганлик тамойилига мос келади. Румий педагогик қарашларининг бу ҳолати жуда кучлилиги билан бошқа дидактик асарлардан фарқ қилади. Шоир ўз ҳикоятларида замонасининг авлиёлари ва забардаст олиму фузалолари ҳаётидан мисоллар келтиради. У табиблар (устозлар) образини келтирар экан, Абу Али ибн Сино шахсига тўхталиб, у билан боғлиқ воқеаларни ўзининг ҳаётий кечинмалари билан бевосита боғлаб тасвирлайди.

“Маснавий”нинг иккинчи китоби. Бу китобда: “Токи фойдадан хабар берилмас экан, бандаси қимирламас. Зеро, ул бандасини қимирлатувчи, одамийга хос бир нарсадирким, сўз, маслаҳат ана шу хусусидадир”, яъни “Жаноби Ҳақ ҳар нарсани

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (8-бет).

мезони ила берар, ҳисобсиз, мезонсиз бермас”, – дейилади. **Иккинчи китобда инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишида иккинчи қадам кўпроқ инсондаги мезон, меъёр, сабр, матонат, виждон тушунчалари борасида фикр юритилган.**

Биринчи китобдан фарқли равишда иккинчи китобда Румийнинг ҳаёт моҳияти ва унга муносабат борасидаги фикрларининг Шамс воқеасидан сўнг яна жўш урганини кузатиш мумкин. Иккинчи китоб анча танаффуслардан кейин яна давом эттирилади. Асарда *“Хаёлдаги ҳилол”, “Илончи воқеаси”, “Ийсонинг ҳамроҳи”, “Дарвеш ва муттаҳам хизматчи”, “Подшонинг лочини”, “Халво”, “Сўқир кўзлар”, “Эшак кетди”, “Бир муфлис киши”, ““Агар...”ли уй”, “Мардум маломати”, “Одамий пинҳон эрур тил остида”, “Чанқаган киши”, “Дўстлик”* каби кўплаб ҳикоятлар келтириладики, бу ҳикоятлар инсонда иймон-эътиқоднинг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Китобдаги аксарият фикрлар *“Билимли бўлиб ухламоқ билимсиз ибодат этишдан афзалдир”* ҳадисига асосланади.

Биламизки, Румий буюк воиз ҳам эди. Иккинчи китобнинг кульминацион нуқтаси сифатида Румийнинг тингловчига нисбатан: *“... ҳикоятнинг кўпроқ ташқи жиҳатларига эътибор қилиб, унинг асл маъносидан бебаҳра қолиши”*¹ ҳақида сўз юритганини белгилаш мумкин. Чунки бу ҳолатда Румий ўзи кўп бор тўқнашган инсониятдаги мавжуд муаммони ечишга ҳаракат қилади ва *“Гарчи сўз йўқдир, вале сўз сеҳри бор...”* – дейди² ва инсонни огоҳликка, уйғоқликка чорлайди.

“Маснавий”нинг учинчи китоби Китоб бошланишидан яна Ҳусомиддинга мурожаат қилинмоқда, чунки аллома томонидан белгиланган бу олис маънавият йўлининг машаққатларига Ҳусомиддиннинг сабр қилишига далда сифатида Румий уни маърифатга ўрта-ўртада чорлаб қолади.

“Маснавий”нинг учинчи китобида *“Фил қиссаси”, “Бир қишлоқлик шаҳарликни меҳмонга чақириб алдагани”, “Шоқолнинг товуслик даъво этгани”, “Лофчининг жазоси”, “Музлаган аждаҳо воқеаси”, “Филнинг шаклу шамойили”,*

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (207-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (236-бет).

“Ваҳимага тушган устоз”, “Дарвеш ҳикояти”, “Ибтидодан интиҳони кўрган заргар қиссаси”, “Нафсга банди бўлган киши”, “Хачир ва туя” каби қатор ҳикоятлар келтирилади. **Учинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида учинчи қадам – оралиқ ташхис сифатида нафс, хирс, манманлик, такаббурлик, маънавий шаклланишга таҳдидлар борасида фикр юритилади ва ақли ноқисларга танбеҳлар бериб ўтилади.**

“Маснавий”нинг тўртинчи китоби. “Маснавий” “манзилларининг энг гўзали, суду самарларнинг энг буюғи томон тўртинчи сафардир”, яъни тўртинчи китоб “Жонларга фароғат бу, баданларга шифо...” бўлгани каби маънавият “Солиҳ баданларнинг ҳаракатларига, солиқларнинг хоҳиш-истакларига бензар”, – дейилади¹ ва “Маснавий” “Бизга боққан, биз билан дийдорлашганларга – нур, келажак авлодларимиз, фарзандларимизга – хазина”, – дея таъриф келтирилади. Китобда “Воиз”, “Қалтис ҳаракат”, “Беномус хотин”, “Хушбўй ҳидлардан ўзидан кетган одам”, “Амал билан насиҳат этмоқ сўз ила ўғит бермоқдан афзалдир”, “Тарозунинг тоши”, “Иброҳим Адҳам қиссаси”, “Сув саси”, “Бир шоир қиссаси”, “Аҳмоқнинг жавоби сукут”, “Мажнуннинг нортуюси” каби ҳикоятлар келтирилган. **Тўртинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида тўртинчи қадам бўлиб, кўпроқ инсонларни зиё, нур, яъни илму маърифатга чорлайди.** Аксарият ҳикоятларда илмсизлик, ахлоқсизлик қораланади. Баъзи ҳикоятларда нафс қулига айланган инсонлар ҳаёти ҳажвий шаклда тасвирланади.

“Маснавий”нинг бешинчи китоби. “Бу Маснавий дафтарлари, маънавий тушунчаларнинг бешинчи китобидир. Ул ҳақдаким, шариат шамга ўхшар, йўлингни ёритар, то қўлга шам олмагунча йўл юрмоғинг маҳолдир. Бас, йўлга тушдингми, ул Тариқатдир. Йўл босиб мақсадга етганинг, қўлга киритганинг – Ҳақиқат”, – дейилади ва китобда комилликка эришиш йўллари кўрсатилади. “Шариат илмдир, тариқат амалдир. Ҳақиқат Аллоҳга етишмоқдир”,² – дейилади. Асарда “*Феълдаги*

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (387-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (504-бет).

тафовутлар”, “Товус”, “Дарвешлар суҳбати”, “Итига марсиялар куйлаб йиғлаган араб ҳикояти”, “Оҳу боласи”, “Абу Бакр исмли киши”, “Туида”, “Нафс”, “Сенга бир дўст керак”, “Пайгамбарлик даъво қилган кимса”, “Мурид”, “Зарвон аҳли қиссаси”, “Аёзнинг фаросати”, “Мажнун воқеаси”, “Машуқнинг имтиҳони”, “Насуҳнинг тавбаси”, “Агар юраги бўлса”, “Тери қўлдан кетди” номли бир қатор ҳикоятлар келтирилган. **Бешинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида бешинчи олий қадам бўлиб, инсон ўзидаги ёмон хислатлардан қутулиб, камолот йўлини танлаши борасида фикр юритилган.** Румий таълимотининг марказий ғоясига эътибор қаратилса, унга кўра, ҳаётнинг ўзи инсон қалбининг буюк ҳақиқатини изчил, узлуксиз ўрганиш усули каби кўринади, чунки ҳар бир қалб уни ўзи қабул қила оладиган даражада ва белгиланган чегарасигача қабул қилади. Бундан ташқари, бутун оламнинг ўзи ўқитиш маскани саналади; ундаги дарслар – инсон ҳаёти борасида ташкил қилинган; ўқув қуроллари эса ҳаётда кузатиладиган бутун ҳолат, учрашувлар, нарса ва ҳодисалар, тирик мавжудот ташкил этади.

“Маснавий”нинг олтинчи китоби. “Бу Маснавий дафтарлари, маънавий баёнотларнинг олтинчи жилдидир. Ваҳму иштибоҳлар қоронғулигини ёритувчи, ҳаёлот ва шубҳа гумонларни йўқликка сургувчи машъаладирким, уни ҳайвоний ҳис ила идрок этишнинг имкони йўқдир”.¹ **Олтинчи китоб инсон маънавий-ахлоқий шаклланишида олтинчи қадам, кўпроқ инсоннинг ўз моҳиятини англаши, қалбидаги шубҳа-гумонларни йўқотишига қаратилган.** “Маснавий” маънавият денгизи сифатида миллат танламайди. Шоир ижоди билан танишган одам қайси фирқа, дин вакили бўлишидан қатъи назар маънавий озуқа олади, чунки Румий таълимоти умуминсоний қадриятларга асосланган. Унинг ижодида юксак инсонийлик каби бир туйғу борки, дунё аҳлини лол қолдириб, ижод аҳлини ларзага солиб келади. Олтинчи китобда “Оғочдаги қуш”, “Шам”, “Ўзрининг макри”, “Посбон”, “Кўнгил уйгоқлиги”, “Ширакайф шоҳ ва чолғучи”, “Шум кампир”, “Дарвешнинг дуоси” каби бир қатор ҳикоятлар келтирилади.

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (638-бет).

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзуси. –Т.: «Шарқ» нашриёт – матбаа концерни, 1998. – 81 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011. – 176 б.
3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик, 17 – жилд. – Тошкент, 2001.
4. Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Сайланма (ғазаллар ва мустазодлар). – Т.: Фан, 1994, - Б. 5.
5. Кошифий Ҳусайн Воиз Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний. Нашрга тайёрловчилар М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.
6. Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий /Форсайдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: “МЕРИЮС”, 2010. – 846 б.
7. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий нашр /Улуғбек Ҳамдам тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.

Мавзуга оид иловалар

1-илова

Муаммоли вазият

ШарқдаX асрданXIV асрнинг биринчи ярмигача яшаб ижод қилган маънавий-ахлоқий тарбиянинг шаклланишига ўзининг юксак ҳиссасини қўшган қайсиалломалар ижоди билан танишгансиз?

2-илова

Савол ва топшириқлар

- Жалолиддин Румий ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
- Унинг ижодий фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
- Ҳозиргача Румийнинг қандай асарлари билан танишгансиз?
- Бугунги кунда Румий фаолиятини ўрганган қайси олимларни биласиз?

- Жалолиддин Румий “Маснавий-маънавий” асарининг моҳияти нимадан иборат?
- Жалолиддин Румий ижодининг объекти нимадан иборат?
- Жалолиддин Румийнинг маънавий – ахлоқий тарбияга оид қарашлари деганданимани тушунасиз?
- Жалолиддин Румийнинг ахлоқий тарбияга бўлган муносабати нималарда билинади?
- Жалолиддин Румийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари бугунги давр баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини қандай изоҳлайсиз?

3-илова

Тарқатма материал

Ғилай шогирд

Бир устознинг ғилай шогирди бўлган экан. Бир кун устоз шогирдига шишаларни олиб келишни буюрибди. Шогирд: “Қайсисини олиб келай, аниғини айтинг” – дебди. Устози: “У ерда ўзи битта шиша, ғилайликни баҳона қилмай, шишани олиб кел” – дебди. Бундан жаҳли чиққан шогирд: “Менга таъна қилманг” – дебди. Устози: “Биртасини синдир қолганини олиб кел” – дебди. Шогирд бир шишани синдирган экан, иккинчи шиша ҳам йўқолибди.

Тилшунос ва қайиқчи

Бир куни мағрур тилшунос соҳилда турган қайиққа миниб қарши томонга ўтмоқчи бўлибди. Қайиққа мингач қайиқчига қараб: “Сен ҳаётингда наҳв (грамматика) ўқидингми?” – дебди. “Йўқ, мен оддий бир қайиқчиман”, –дебди. “Бай-бай, бу гапингга жуда хафа бўлдим. Демак умрингнинг ярми бекорга кетибди-я”, – дея қайиқчига ачиниб қарабди тилшунос.

Қайиқчи бу дағал ва томдан тараша тушгандай гапдан хафа бўлиб қайиқчига бирон сўз демабди. Иттифоқо, худди шу пайт тўфон кўтарилибди. Қайиқ денгиз ўртасида чайқалар, қайиқчи бор кучи билан ҳалокатдан қутулишга ҳаракат қилар экан. Тўфон борган сайин кучаяр, қайиқ чўкиш арафасида экан. Шунда қайиқчи рўпарасида кўрқувдан дир-дир титраётган олимдан: “Хой билимдон дўстим. Айт-чи, сузишни биласанми?” – дея

сўради. “Йўқ” деган жавобни олган қайиқчи деди: “Бай-бай, сен бутун умрингни бекор ўтказибсан. Ҳозир умринг зое кетади. Чунки бироздан сўнг қайиғимиз чўкади. Билиб қўй, ҳозир бу ерда наҳв (грамматика) илми эмас, маҳв (фано бўлиш) илми қўл келади. Агар маҳв илмини билсанг, хотиржам ўзингни денгизга от!” – дебди.

Вужудига игна билан расм солдирган одам

Қазвинликлардан бири вужудига арслон суратини солдирмоқчи бўлибди ва игна билан расм солувчига борибди: “Уста, менга расм сол, бироқ жоним оғримасин!” – дебди. Игна билан расм солувчи уста сўрабди: “Қанақа расм солишимни истайсан?” “Мучалим арслон. Шунинг учун арслон расмини чиз, қара, оғритмагин, яхши чиқсин”, – дебди Қазвинлик.

Уста: “Расмни танангнинг қаерига чизай?” – дебди. “Икки елкам орасига”, – дебди мижоз.

Уста игналарни олиб ишга киришибди. Мижозининг жони оғриб бақира бошлабди: “Хой уста, мени ўлдирмоқчимисан?” “Ахир, ўзинг арслон расмини сол, дединг-ку!” Мижоз: “Қаеридан бошладинг?” Уста: “Думидан” – дебди.

Мижоз: “Худо хайрингни бергур, уста, қўй, шу арслон думсиз бўла қолсин. Оғриқдан жоним бўғзимга келди,” – дебди.

Мижознинг бу илтимосидан сўнг уста арслоннинг бошқа бир жойининг расмини чизиш учун игна санча бошлади. Иттифоқо, қазвинлик яна дод солиб: “Энди арслоннинг қаерини чизяпсан?” – дебди. Уста: “Қулоғини чизяпман” – дебди.

Мижоз: “Устажон, шу арслон қулоқсиз бўла қолсин. Жоним ёмон оғриди”, – дебди.

Энди уста арслоннинг бошқа бир аъзосини чизишга киришибди. “Бу сафар қаерини чизмоқчи бўляпсан? – дебди жон оғриғида қазвинлик”. Уста: “Азизим, хайвоннинг қорнини чизишга ҳаракат қиляпман”, – дебди.

Мижоз: “Игна санчишни ҳозирроқ бас қил, оғриққа чидолмаяпман. Шу арслоннинг қорни бўлмаса, нима ҳам бўларди?” – дебди. Қазвинлик мижознинг бу гапларига жаҳли чиққан уста игналарни ерга отиб: “Худойим менга тўзим бер. Бу бошимга тушган азоб ҳеч кимнинг бошига тушмагандир. Ҳеч

замонда, думсиз, бошсиз, кулоқсиз ва гавдасиз арслон бўладими?! Бундай арслонни ким кўрибди?” – деб дод солибди.

Меҳмон

Бир киши дўстининг уйига меҳмонликка келибди. Эшикни қоқибди. Ичкаридан “Ким?” деган овоз келибди. “Мен,” – дебди меҳмон. Мезбон жавобни эшитиб: “Бор сендай хом одамга бу ерда жой йўқ,” – дебди.

Меҳмон куйиб пишиб, яна дўстининг эшигини тақиллатибди. “Ким?” – дебди мезбон. “Мен ўзингман, эй дўстим”, – дебди меҳмон. Шунда эшик очилиб: “Агар сен мен бўлсанг уйга кир, чунки бу уйда иккита менга жой йўқ”, – дебди мезбон.

Икки ип бир игнадан ўтмайди чин,
Битта ип эрсанг агар, ўт игнадин.

Пашша ва шамол

Бир кун пашша Яман ўлкасининг подшоҳи Сулаймоннинг ҳузурига келиб шамолдан арз қилибди: “Эй Сулаймон, сен заифларга, ночорларга ёрдам берасан. Бизни ҳам ғамдан қутқар. Шамол бизга жуда зулм қилмоқда. Унинг дастидан ҳузр ҳаловатимиз йўқ. Ҳазрат Сулаймон: “Эй гўзал овозли пашша, Тангри менга: “Даъвогарлар ҳозир бўлмагунча ҳеч кимсанинг шикоятини тинглама”, - дея амр этди. Икки даъвогар ҳам ҳозир бўлмагунча ким ҳақ, ким ноҳақ эканигини қандай биламан,” - деб шамолни ҳам ҳузурига чақирибди. Шамол келганда, пашшани жойидан топиб бўлмабди.

Соялар истайди гарчи шуъла, нур,
Йўқ бўлурлар нур агар этса зухур.

4-илова

**Жалолиддин Румийнинг ижодий фаолияти юзасидан
эгаллаган билимларини аниқлашга қаратилган тест
саволлари.**

**1.Қайси қаторда Жалолиддин Румий таваллуд топган
сана тўғри кўрсатилган?**

А. 1289 й. 12 сентябр

Б. 1234 й. 4 май

*В. 1207 й. 30 сентябр

Д. 1209 й. 23 октябр

**2. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”нинг неча
мисрасини ўз қўли билан ёзган?**

*А. 18 мисра.

Б. 14 мисра

В. 4 мисра

Д. 8 мисра

3. Жалолоиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”си ким томонидан ёзиб қолдирилган?

А. Шамсиддин Табризий

*Б. Ҳусомиддин Чалабий

В. Фаридиддин Аттор

Д. Шайх Садриддин

4. Жалолоиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”си нечта китобдан иборат?

*А. 7 китобдан иборат.

Б. 5 китобдан иборат.

В. 3 китобдан иборат.

Д. 4 китобдан иборат.

5. Жалолоиддин Румий ўзига руҳий устоз деб билган шахс?

А. Шайх Садриддин

*Б. Фаридиддин Аттор

В. Шамсиддин Табризий

Д. Ҳусомиддин Чалабий

6. Фаридиддин Аттор Румийга қайси китобини ҳадя этган?

А. “Муҳаббатнома”

Б. “Илоҳийнома”

В. “Мактубот”

*Д. “Асрорнома”

7. Алишер Навоийнинг қайси асарида Румий ҳаёти борасида маълумот келтирилган?

А. “Маҳбуб ул қулуб”

Б. “Наводир ул ниҳоя”

*В. “Насойим ул муҳаббат”

Д. “Бадои ул бидоя”

8. “Маснавийи маънавий” асарига:

“Ул Фарийдундир маъно дунёсига,

“Маснавий” бурҳондир асли зотиға.

Мен не дей олижаноб васфида, бас,

Бор китоби, лек пайғамбар эмас.”- деб ким таъриф

беради?

А. Алишер Навоий

*Б. Абдурахмон Жомий

В. Ҳусайн Воиз Кошифий

Д. Ҳофиз Шерозий

9. Жалолоиддин Румий кимдан маънавий илҳом олган?

*А. Шамсиддин Табризий

Б. Ҳусомиддин Чалабий

В. Фаридиддин Аттор

Д. Шайх Садриддин

10. Жалолоиддин Румий “Маснавийи маънавий”сида нечта ҳадисга шарҳ берилган?

А. 521 га яқин ҳадисга.

Б. 450 га яқин ҳадисга.

В. 610 га яқин ҳадисга.

*Д. 703 га яқин ҳадисга.

11. “Маснавийи маънавий”да нечта турли мавзудаги ҳикоя ўрин олган?

А. 310 га яқин ҳикоя.

*Б. 270 га яқин ҳикоя.

В. 240 га яқин ҳикоя.

Д. 290 га яқин ҳикоя.

12. “Жалолоддин Румий” номли тарихий-биографик роман кимнинг қаламига мансуб?

*А. Радий Фиш

Б. Р.Никольсон

В. Фредриш Рукерт.

Д. И. С. Брагинский

13. “Маснавийи маънавий” асари қайси тилда ёзилган?

А. Турк

*Б. Форс

В. Урду

Д. Панжоб

14. “Ичиндаги ичиндадир” асари қандай асар?

А. Маърифий

Б. Адабий

*В. Фалсафий

Д. Психологик

15. Маснавийнинг 2-китобида келтирилган “Боғбон” воқеасида боғбон боғдаги ўғрилاردан қандай қутилади?

*А. ҳийла орқали

Б. ширин сўз орқали

В. таёқ орқали

Д. ёмон сўз орқали

16. “Маснавийи маънавий” қайси йиллар мобайнида ёзиб битказилди?

А. 1256 -1569 йиллар

Б. 1259 -1260 йиллар

В. 1257 -1266 йиллар

*Д. 1259 -1269 йиллар

17. “Маснавийи маънавий”ни форсчадан ўзбекчага ким тўлиқ таржима қилди?

А. Асқар Маҳкам

Б. Иброҳим Ҳаққул

*В. Жамол Камол

Д. Ҳомиджон Ҳомидий.

18. “Маънавийи маснавий”ни “дидактик дoston” деб ким таъриф берган?

А. Р. Николсон

Б. Т. Пурномдориёр

*В. Е.Э.Бертельс

Д. А. Шиммел

19. Асарнинг бошланишида нимага мурожаат қилинади?

А. Рубоб

*Б. Най

В. Қалам

Д. Куй

20. Ҳусайн Воиз Кошифий Мавлоно ғояси ва дунёқарашини янгича талқин қилиб қайси асарни яратди?

*А. “Лўббӣ лубоби Маснавий”

Б. “Жавоҳир ул асрор”

В. “Канз ул Ҳақойиқ”

Д. “Ишқнома”

21. Жалолиддин Румий ижодий фаолияти қандай анъанага таянади?

А. Қариндош-уруғ

Б. Ака-ука

В. Катта-кичик

*Д. Устоз-шогирд

22. Маснавийнинг 1-китобида арслон ва қуён суҳбати нима билан якун топади?

А. қуён фожиаси

*Б. арслон фожиаси

В. дўстлик

Д. айрилик

23. Маснавийда келтирилган “Тилшунос ва қайиқчи” ҳикояси орқали Румий қайси хислатни қоралайди?

А. ҳирс ва нафс

Б. сабрсизлик ва қаноатсизлик

*В. манманлик ва такаббурлик

Д. ёлғончилик

24. Маснавийда келтирилган “Хожаси ва Луқмон” ҳикояти орқали Румий қайси хислатни улуғлайди?

А. Сабрлилик

Б. Андишалилик

В. Ҳалоллик

*Д. Садоқатлилик

25. Румий “Маснавийи маънавий” асарининг асосий ғояси нимадан иборат?

*А. Инсонни маънавий тарбиялаш

Б. Инсонни билимли қилиш

В. Фаровон ҳаёт кечириш

Д. Ёвузликка қарши кураш

2 - ТАВСИЯ

Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита эканлиги мавзусидаги кейс-стади

Педагогик аннотацияси

Ўқув предмети: “Педагогика тарихи”.

Мавзунинг номи: “Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита”.

Иштирокчилар: Олий таълимнинг Педагогика-психология таълим йўналиши 1-босқич талабалари.

Ўқитишнинг мақсади: Шарқ алломаларининг педагогик қарашлари бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш.

Режалаштирилаётган ўқув натижалари: Румий асарларида шахс маънавий-ахлоқий тарбияси ва ҳозирги глобаллашув жараёнидаги маънавий уйғунликни кўрсатиб бериш, шоир асарларида шахс тарбиясига таъсир кўрсатувчи “она қорни”, “оила”, “устоз”, “жамоа” каби омилларни таҳлил қилиш, инсон тарбияси ва уларни ҳозирги тараққиёт шароитида устувор йўналиш сифатида тан олинган комил инсон тушунчаси билан қиёслаб ундаги бунёдкор ғояларни узлуксиз таълим тизимидаги ёшларни тарбиялаш жараёнида фойдаланиш йўллари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан талабалар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:

Талаба билиши керак:

Шахс, ижтимоий муҳит, маънавий-ахлоқий тарбия, маънавий баркамол инсон.

Талаба амалга ошириши керак:

мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

Талаба эга бўлмоғи керак:

коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий /Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: “МЕРИЮС” , 2010. – 846 б.

Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий нашр /Улуғбек Ҳамдам тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.

Избуллаева Г.В. Жалолиддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси / Масъул муҳарир С.С.Булатов. – Тошкент: Фан, 2015. – 208 б.

Зайнобидинова Н.И. Жалолиддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи: Фалсафа фан. номз. дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 29 б.

Фиш Радий. Жалолиддин Румий. Тарихий биографик роман /Русчадан Ж.Камол тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 272б.

Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейснинг тавсифномаси:

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, ҳаётий вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Ушбу кейсдан “Маънавият асослари”, “Миллий истиқлол ғояси”, “Педагогика”, “Қадриятшунослик” фанларида ҳамда мураббийлик соатларида фойдаланиш мумкин.

КЕЙС: Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита

Кириш. “Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита” мавзуси маънавий-ахлоқий тарбия ташкил қилишни олий таълим муассасаларида муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича “Педагогика тарихи” фанида “Кейс стади”га асосланган ўқитиш технологияси асосида ишлаб чиқилган.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди,”¹ шунинг учун таълимни модернизациялаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда унга тарбияни уйғунлаштириш ва ижтимоий онгни шакллантиришга хизмат қилувчи тарбия методлари (ҳикоят, тушунтириш, ўқитиш, маъруза, ахлоқий (маънавий) суҳбат ва баҳс) асосида тарбия жараёнини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этиш кўзда тутилади. Маънавий-ахлоқий тарбияга эътиборсизлик маънавий қашшоқликка олиб келади. Ҳозирги энг юксак ғоялар ҳам аждодлар мероси ва умумбашарий қадриятлар негизида дунёга келган. Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, ҳозир мамлакатимизда юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу тарбия мақсади қандай шаклда бўлмасин аниқликни талаб қилмоқда. Биз шу каби масалаларни ҳал этишда бевосита шахс тарбиясига таъсир этувчи омиллар ва маънавий-ахлоқий тарбия шакллантириш малакасига эга бўлишимиз керак ва буни барча билиши лозим.

Қуйидаги кейс -шахс тарбиясига таъсир кўрсатувчи “она қорни”, “оила”, “устоз”, “жамоа” каби омилларнинг аҳамиятини ёритиш, маънавий-ахлоқий тарбия мезонларини ёритиб бериш – юксак маънавиятнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб беришга, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда тўсиқ бўладиган ҳолатларининг юзага келиш сабабларини кўрсатиб бериш ва уларни олдини олиш йўллари ишлаб чиқишга имкон яратади. Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича Жалолиддин Румий маънавий мероси ҳамда маънавий тараққиёт мезонлари ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

Тавсия этилган кейсни ечиш қуйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;

- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2011. – (62-бет).

- мантикий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

Кейсни амалга оширишга доир топшириқлар

Узум (1 вазият)

Турли шаҳарлардан келиб қолган тўрт киши – форс, турк, юнон ва араб иттифоқо, бозор ёнидаги чорраҳада учрашиб қоладилар. Бир олижаноб киши уларга бир дирҳам садақа қилиб ўтиб кетади. Дирҳам ўртада, чунки унда ҳар бирининг ҳаққи бор. Бу пулга бирор егулик сотиб олмоқчи бўладилар. Шунда форс – ангур, турк – узум, юнон – истофил, араб – инаб емоқчилигини айтади. Орада жанжал кўтарилади. Тўрталалари ҳам айна бир нарсa – узумни ҳоҳлаётган бўлсаларда, бир-бирининг тилларини тушунмаганлари учун ёқа бўғишиб кетадилар.

Шоқолнинг товуслик даъво этгани (2 вазият)

Бир шоқол бўёқчининг хумига тушиб, жунлари турли рангларга бўянибди. Бу ранглар офтобда турли хил товланар экан. Шоқоллар шерикларига: “Бунча безанибсан, бунча кибру ҳавога минибсан?” – дейишибди. Шоқол бўлса: “Мен шоқол эмасман, мен товусман”, – дебди. Шоқоллар ҳайратланиб: “Товус бўлсанг товусдай жилвагар бўл”, – дебдилар. Шоқол бажара олмаслигидан: “Йўқ!” – дебди. Шоқоллар: “Бўлмаса товусдек қичқириб бер”, – дейишибди. Бу вазифани ҳам “товус” бажара олмабди. Унда шоқоллар:

“Хилъати товусни бергай осмон,
Рангу даъво бирла олмоғинг гумон”, – дейишибди.

Туя, ҳўкиз ва кўчқор (3 вазият)

Туя, ҳўкиз ва кўчқор йўлда бир чимдим кўкатга дуч келишибди. Кўчқор: “Кўкатни учга бўлиб, есак ҳеч ким тўймайди. Келинглaр, яхшиси ҳар киши ўз тарихини сўйласин, кимнинг ёши улуғ бўлса, ўша ўтни есин. Мени ёшимга келадиган бўлсак, анчайин улуғ Исмоил пайғамбарга бориб тақалади”, –

дебди. Хўкиз бўлса: “Менинг ёшим улуғроқ. Мен туфайли қўш қўшиб, қўш ҳайдаган Одам Ато”, – дебди. Туя қўчқор ва хўкиз ҳикоясини тинглаб бош эгиб кўкатни узиб олиб, бир икки чайнаб ямлаб ютибдида: “Шартми тарихни айтиш, эсли-хушли одам жуссамга қараб ёшим сиздан кам эмаслигимни сезади”, – дебди.

Сабо аҳли қиссаси (4 вазият)

Узоқни кўрувчи кўр, сезгир кар, узун тўнли яланғоч ўғрилардан қандай қочганликлари баёни. Кўр: “Қўрқяпман, қўшин келяпти,” – дебди. Қайси қавмдан, сон-ҳисобда қанча эканлигини ҳам айтибди. Шунда кар: “Балли, қўшиннинг сўзларини эшияпман,” – дебди. Улар ҳақида сўйлаб берибди. Яланғоч эса: “Қўрқяпман, улар узун тўним этагини қирқмасинлар яна?” – дебди.

Кар – тилак, ҳар дам қазони тинглагай,
Ўзига келган ажални билмагай.
Ҳирс эса, кўрдир, кўрар халқ айбини,
Ҳар қадамда битталаб сўйлар уни.
Ўзида айбу қусурни кўрмас ул,
Ўзгадин айб изламасдан турмас ул.
Ул яланғоч дерки, йиртилгай тўни,
Ул яланғоч эрса, ким йиртгай уни?

(5 вазият)

““Мақолот”нинг бир нусхасида “Қачонгача бошқаларнинг ҳассасига суянасизлар? Ўз оёқларингиз билан юринг! Сизлар айтадиган ҳадису тафсиру ҳикмат ва бошқалар бир замонлар ўз асрида бирор мартабага ўтирган шахсларнинг сўзларидир... Агар (сизлар) бу замоннинг фарзандлари бўлсангиз, қани сизлар айтадиган сўзу асрор?” – дейди”.¹ Дарҳақиқат, “фақат ўтмишга, аجدодлар меросига маҳлиё бўлиб юришнинг ўзи билан узоққа бориб бўлмайди”².

(6 вазият)

Деди пайғамбарки: хотин бегумон,

¹ Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. – Техрон, 2001. – 88 б. – (22-бет).

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2011. – (50-бет).

Оқил эркакларга ғолиб ҳар қачон.
 Лек аёл жоҳилга мағлуб ҳар маҳал,
 Чунки эрмас, турфа ҳайвондир улар.
 Кам уларда шафқату лутфу карам,
 Шул сабаб ҳайвонлиги келгай баланд.
 Меҳру шафқат – васфи инсоний эрур,
 Қаҳри шахват – васфи ҳайвоний эрур.
 Партави Ҳакдир аёл, маъшук эмас,
 Гўё холиқдир ул, махлуқ эмас.

(7 вазият)

Боқки, инсон қалбининг тўрт васфи бор,
 Аҳлига чормих бўлиб, этгай фишор...
 Маънавий тўрт қушки, машъум, роҳзан,
 Халқ дилу жонида тутмишлар ватан.
 Чун улар ғоздир, товус, зоғу хўроз,
 Нафс аро ҳар лаҳза бергайлар овоз.
 Ғоз – ҳирсдирким, хўроз – шахват эрур.
 Гар товус жоҳ эрса, зоғ ният эрур.¹

Амалий вазиятни босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича талабаларга услубий кўрсатмалар

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс билан танишиш	Аввало кейс билан танишиш. Мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилмаслик.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқиш. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгилаш. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб бориш. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйиш. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (506-бет).

	ибораларга диққатингизни жалб қилиш. Ушбу вазият тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиси аниқлаштирилиши лозимлигини аниқланг.
3. Вазиятни таҳлил қилиш	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг.
4. Вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу вазият ечимини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова қилинг.

“Муаммоли вазият” жадвали ни тўлдиринг

Вазиятдаги муаммолар Тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазият ечими

Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

№	Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб, тадқиқот объекти аниқланган мак. 6 б.	Вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари аниқ кўрсатилган мак. 4 б.	Вазият ечимлари аниқ кўрсатилган мак. 10 б.	Жами мак. 20 б.
1					
2					

Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

№	Гуруҳлар Рўйхати	Гуруҳ фаол мак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди мак.4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди мак.5 б	Жами мак. 10 б
1					
2					

8-10 балл – аъло, 6- 8 балл – яхши, 4- 6 балл – қониқарли

Ўқитувчи томонидан кейсни ечиш ва таҳлил қилиш технологияси

Кейсдаги асосий муаммо

Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита эканлигини исботлаш.

Муаммоли вазиятни ечиш йўллари

1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишамиз.

Румийнинг асарларида илгари сурилган ғоя ва қарашлар, ифодаланган маъносига кўра муайян тартиб билан жойлаштириб чиқилса, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ китоби пайдо бўлади ва у ўз таълимоти орқали шахс маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатувчи муҳитни тўрт босқичга ажратиб кўрсатади: **она қорни, оила, устоз ва жамоа.**

“Маснавий”да шоир инсон ва унинг ички муҳит асосида она қорнида тарбия олиши борасида: она қорнидаги туғиладиган болага она ҳам ота ҳам бирдек масъулдир. Ота онанинг ижтимоий муҳитини тўғри ташкил қилиши ва руҳий ҳолатидан бохабар бўлиши, она жисмининг бир парчасидан туғилажак боласининг инсон сифатида ҳис қилиши натижасида соғлом бола дунёга келади. Шоир она тимсолини мунис, мушфиқ, зор (мушток), оппоқ сутга ўхшатмоқда. Ондаги бу сифатлар шахс

шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ота тимсоли эса оилага эш, мухтарам шахс сифатида тасвирланган¹.

“Маснавий”да бола ўз онасидан туғилиши билан уни ташқи муҳит асосида тарбиялаш бошланади ва бола дунё юзини кўрдими, унинг илк ташқи муҳит тарбиячиси бу онанинг оппоқ сути эканлигини таъкидлайди². Бола оила бағрида шаклланар экан, унинг тарбияси учун ота-она ва оила аъзолари масъулдирлар³.

Румий ижодига эътибор берадиган бўлсак, шоир аёл борасида фикр юритилганда баъзида нобоп, нопок аёллар қораланиб ҳалол, пок, фаросатли аёллар кўкка кўтарилади. Чунки Румий бадахлоқ аёллардан жирканади. Авлодни дунёга келтирадиган мунис аёлга бадахлоқлик ярашмайди, аёл Оллоҳ томонидан нозик, меҳрибон, иболи яратилган деб таъкидлайди ва пайғамбар тилидан аёлга берилган таърифларни келтириб ўтади.⁴ Шоир аёл зотига паст назар билан қараган инсонларни ҳайвонга ўхшатади. Қачонки жамиятда аёл зотига ҳурмат - эҳтиром кўрсатилар экан, шу жамият аёллари бадахлоқликлардан холи, оилалар фаровон, келажак авлод соғлом яшайди. Румий оилада бола тарбиясида меъёр бузилмаслиги борасида, онанинг болага нисбатдан меҳрибонлиги туфайли боласини таълим-тарбия олиши жараёнларида кутиладиган қийинчиликлардан аяши, боласининг азоб чекишига кўзи қиймаслиги натижасида боланинг талтайишига олиб келади. Отадаги қаттиққўллик шу пайтда ўз самарасини бериши ва боланинг истиқболига таҳдид этадиган муаммолар бартараф этилиши лозимлиги таъкидланади⁵.

Румий қарашларида шахс шаклланиши билан боғлиқ ёш даврларининг ўзига хос хусусиятлари, гўдаклик даври⁶ борасида гўдак дунёга келдими, катталар сўзини тинглаб унга тақлид қилган ҳолда сўз соҳибига айланади. Шунинг учун гўдак яшаётган ижтимоий муҳитда ширинсуханлик, сўзни аниқ

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (255-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (187-бет).

³ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (141-бет).

⁴ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (82-бет).

⁵ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (682-бет).

⁶ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (562-бет).

талаффуз қилиш, гапнинг маъноли чиқишига, яъни нутқ маданиятига катта эътибор қаратиш лозимлигини кўриш мумкин¹.

Гўдак шахс сифатида ташқи таъсир ва ўз-ўзида ахборотни қайта ишлаш жараёнида шаклланади. Ташқи муҳит томонидан кўрсатилган ҳар қандай таъсир унинг онгида муҳрланади ва буни у ўзи-ўзида қайта ишлаб шакллантиради². Тарбия жараёни болада ўз-ўзини тарбиялаш – ўз устида онгли, режали иш олиб бориш эҳтиёжини ҳосил қилган тақдирдагина самарали ҳисобланади. Шоир шахс маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришда оиладан ташқари устозларнинг ўрни ниҳоятда улуғлигини таъкидлаб ўтади. Масалан, ўз боласининг тилини тушунмаган бир она устоз-донишмандга мурожаат этиб, боласи тарнов бошида қолгани, чақирса, имо-ишора қилса ҳам келмаётганлигини” айтиб, “Илтимос, боламни тарнов бошидан соғ-омон олиб беринг”, – дебди. Донишманд: “Томга тенгдошини олиб чиқ, шунда боланг тенгдошини кўриб тарнов бошини тарк этади”, – дебди. Она боласининг тенгдошини томга олиб чиққан экан, боласи ўгирилиб боқибди ва тарнов бошини тарк этибди.³ Демак, ҳикоятда донишманд она англамаган нарсани, яъни боланинг тенгдоши болага яхши таъсир этиши мумкинлигини англаши, натижада бола тенгдоши орқали соғ-омон қолиши кўрсатиб берилади. Чунки тенгдоши унинг тилида гапиради ва иккови ҳам бир хил ўйин фаолияти вакиллариدير. Устознинг шахс шаклланишидаги ўрни бекиёс эканлигини шоир ижодининг ҳар бир қиррасида кузатиш мумкин.

Румий шахс ва жамоа борасида фикр юритар экан, энг аввало, жамоада тенг ҳуқуқлилик, инсонларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати, каттага ҳурмат, кичикка иззат, миллат танламаслик, жамоа одобини бузмаслик, жамоада сўзлаш маданияти борасида қатор фикрларни келтириб ўтади. Аллома томонидан яратилган жамоа билан муносабат жараёнидаги таълим-тарбия бериш усуллари суҳбат, ўрнат, рағбатлантириш каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

¹ Румий Жалолiddин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (447-бет).

² Румий Жалолiddин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (227-бет).

³ Румий Жалолiddин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (467-бет).

2. Берилган вазият билан танишамиз.

Маълумотларни яна диққат билан ўқиб чиқиб, биз учун муҳим бўлган сатрларнинг тагига чизамиз. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки-уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўямиз. Аллома қарашларида маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини ифодаловчи вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатимизни жалб қиламиз:

Дўстлик, биродарлик	Моҳиятни англаш
Тил билиш	Бирлик
Бағрикенглик, толерантлик	Мамманлик, такаббурликка берилмаслик
Илмли бўлиш	Англаш
Камтаринлик	Яратиш
Нафс ва ҳирсни жиловлаш	Ҳурмат қилиш, эъзозлаш

3. Муаммоли вазиятнинг таҳлили.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Аллома маънавий меросида ифодаланган ижобий хислатлар ва салбий иллатларни аниқлаймиз.

Ижобий хислатлар	Салбий иллатлар
Камтаринлик	Манманлик, такаббурлик
Бағрикенглик	Худбинлик
Огоҳлик	Лоқайдлик
Нафсни жиловлаш	Нафс, ҳирсга берилиш
Илмли бўлиш	Илмсизлик
Ҳурмат эҳтиром кўрсатиш	Ҳурматсизлик
Юксак ахлоқий тафаккур	Ахлоқсизлик, шаҳват
Ҳурфикрли, оқил	Бадният, жоҳил

Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча ечимларини топамиз:

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазият ечимлари
“Узум” ҳикоясидаги турли миллат вакиллариининг бир-бирларини тушунмасликлари.	Тил билмаслик ва маънавий қашшоқлик.	Тил билган хор бўлмас. Тил ўрганиш юзага келган ихтилофларни бартараф этади. Илмсизликнинг олдини олиш орқали масалани ҳал этиш мумкин.

4. Ўтказилган таҳлиллар ва натижалар

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниқлангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Муаммо ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, “Т - схема” жадвалини тўлдирамиз.

Румий қандай инсонни маънавий баркамол ва комил инсон деб ҳисоблайди?	Румий қандай инсонни маънавий қашшоқ инсон деб ҳисоблаймиз?
Кўнгли бедор, мусаффо, ўзгалар дардини билгувчи;	Худбин, бойлик кетидан қувган;
Яхшилик изловчи, халқни ўзига эргаштириб билувчи;	Ёмонлик изловчи, хилқ тинчлигини бузувчи;
Нафс ва ҳирсини жиловлаган, камтарин;	Енгил-елпи ҳаёт кечираётган;
Ўз шахсий фикрига эга, нарс ва ҳодисалар моҳиятини англаган;	Тубан, лоқайд, манқурт инсонлар;
Оқил, доно, фозил, фикратшунос (тўғри фикр юрита оладиган);	Илмсиз, жаҳолатга юз тутган;
Хушнафас, нотик, хушкалом;	Баднийат, бадкалом;
Ғовларни енгувчи, зулматдан халос этгувчи, истиқболни	Тўсиқ қўювчи, залолатга йўллагувчи, йўлдан

кўзлагувчи.	адаштирувчи;
Ҳабиб (дўст), пешрав (илдам боровчи).	Хиёнаткор, дангаса;

Якуний хулоса

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, шахс маънавий-ахлоқий тарбияланишида она қорни тарбиясига эътибор, яъни онанинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, гўдакни ташқи дунё билан таништириш, уни ташқи дунёга мослаштириш, оилада онанинг меҳрибонлиги, отанинг талабчанлиги ва ота-она фаолиятининг бирдамлигини таъминлаш, устозларнинг шахс маънавий-ахлоқий тарбиясида ўрнатилган бўлиши, жамоада сўзлаш, тинглаш маданияти, ўзаро ҳурмат қоидаларига риоя қилиш фазилати шаклланади. Бу омиллар албатта шахснинг маънавий-ахлоқий тарбиясига кучли таъсир кўрсатади.

Муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотда ўқитиш технологияси

4.1. Таълим технологиясининг модели

<i>Мавзу, 2 соат</i>	<i>Таълим олувчилар сони: 21 кишидан ошмаслиги лозим</i>
Мавзу: Жалолиддин Румий таълимоти – маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштирувчи педагогик восита эканлиги.	
<i>Амалий машғулот режаси</i> 1. Кейс мазмунига кириш. 2. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш. 3. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. 4. “Кейс – стади”ни гуруҳларда ечиш. 5. Натижалар тақдироти ва муҳокамасини ўтказиш. 6. Муҳокама этилаётган муаммони “Т-схема” жадвали асосида таҳлил этиш. 7. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра	

талабалар фаолиятини баҳолаш	
<i>Машиғулотнинг мақсади:</i> Ёшларни ён-атрофда юз бераётган воқеа ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон – эътиқодли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:.</i>
1. Кейс мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; 2. Аалломанинг маънавий-ахлоқий тарбия муаммо ва ечимларига оид қарашлари билан таништиради; 3. Ҳозирги давр муаммоларини ажратиб олишга ва аллома қарашлари билан таққослашга, таҳлил қилишга, умумлаштиришга кўмак беради; 4. Муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма – кетлигини тушунтириб беради ва уларни ечишга шарт-шароит яратади; 5. Мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради.	1. Кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; 2. Алломанинг маънавий-ахлоқий тарбия муаммосини ечимлари бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди; 3. Муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; 4. Муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; 5. Якуний мантиқий хулосалар чиқаради.
Таълим технологияси	Кейс – стади
Таълим бериш усуллари	“Блиц-сўров”, “Муаммоли вазият” услуби, “Т-схема”, “Баҳс-мунозара”
Таълим бериш шакллари	Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Маркерлар, қоғозлар, доска, бўр
Таълим бериш шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб,

	ўз-ўзини рейтинг баҳолаш	назорат tizими	қилиш, асосида
--	--------------------------------	-------------------	-------------------

4.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
Тайёрлов босқичи	Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информацион таъминотга тайёргарлик кўради, “кейс - стади”ни расмий-лаштиради, кейсни кўпайтириш муаммосини ҳал этади. Мустақил равишда тайёргарлик кўришни, тавсия этилган адабиётларни ўқиб ўрганишни тавсия этади.	Тинглай- дилар
I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.	Тинглай- дилар
	1.2. Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц – сўров ўтказади (1-илова).	Саволлар- га жавоб Билдиради
	1.3. “Кейс - стади” вазифаси ва унинг жамият тараққиёти ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини аниқлайди. Амалий машғулотнинг иш тартиби ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Кейс мазмуни билан янада яқинроқ танишиб чиқишлари учун талабаларга материалларни тарқатиб чиқади	Таниша- дилар
II - босқич.	2.1. Кейсда бор бўлган материалларни	Муҳокама

Асосий (60 дақиқа)	муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.	қиладилар
	2.3. Талабаларни 3 та кичик гуруҳга ажратади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни “Муаммоли вазият” усулидан фойдаланилган ҳолда тарқатади (2-илова)	Гуруҳлар-га ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар
	2.4. Кичик гуруҳларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади	Фаол қатнашадилар
	2.5. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларгатушиб, тақдимотини ўтказишда ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.	тақдимоти-ни ўтказадилар, бахс-мунозара юритадилар, хулоса чиқарадилар

	2.6. Талабаларнинг фикрларини умумлаш-тириб бўлгач, ҳар бир гуруҳда “Т - схема” жадвалидан фойдаланилган ҳолда масала ечимини мустаҳкамлайди (3- илова).	Тинглайдилар. Топшириқ-ни бажа-радилар. Хулоса чиқарадилар
	2.7. Талабаларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради.	Тинглайдилар
III-босқич. Якуний (10 дақиқа)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Фаол талабаларни баҳолаш орқали рағбатлантиради	Эшитади. Аниқлайди
	3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор “Кейс-стади”нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади	Тинглайдилар

1-илова

Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	Аллома қарашларида ифодаланган маънавий баркамол инсоннинг фазилатларини санаб беринг	Ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзга инсонларни қадрлай билиши, инсон зотини улуғлай билиши, ички ва ташқи дунёсининг бирлиги, соғлом фикри ва оқилона сўзининг бирлиги, дили ва тилининг бирлиги
2.	Аллома қарашларида ифодаланган маънавий баркамол инсоннинг фазилатларини санаб беринг	Онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли киши, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси
3.	Аллома инсон	Ғоз – ҳирс, хўроз – шаҳват, товус –

	маънавий қиёфасини қандай баҳолайди?	жоҳиллик, зоғ – ниятни жиловлай билган маънавий вужудга эришган инсон саналади
4.	Аллома қарашларида шахс шаклланишида тасир этувчи омилларни ифодалаб беринг	Аллома шахс маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир кўрсатувчи муҳитни тўрт босқичга ажратиб кўрсатади: она қорни, оила, устоз ва жамоа . Бу омиллар ҳозирги давр баркамол авлодни тарбиялашда ҳам дастурул амал бўла олади.
5.	Аллома қарашларида маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини тушунтириб беринг	Аллома маънавий-ахлоқий тарбияни яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши каби услубда ифодалаган бўлиб, бунда Ҳам “Авесто”, Қуръони карим, ҳадис, Эзоп масаллари, ҳам “Калила ва Димна” моҳияти бирлашган.

2-илова

1 - топшириқ

“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазият ечимлари

3-илова

2 - топшириқ

“Т-схема” жадвалини тўлдиринг

Қандай инсонни биз маънавий баркамол ва комил инсон деб ҳисоблаймиз?	Қандай инсонни эса маънавий қашшоқ инсон деб ҳисоблаймиз?

3-ТАВСИЯ

«Маснавийи маънавий» асарида баркамол инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари мавзусида интеграллашган дарс (педагогика+фалсафа+адабиёт)

КИРИШ

Румийнинг инсон камолотида дахлдор қарашларининг асрлар оша бундай шуҳрат топиб келиши ва дунё аҳлини ларзага солишига бўлган сабаб – аллома ижоди инсон маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсир кўрсатувчи жиҳатларини тадқиқ этади. Румий яратган асарлар турли муаммоларга объектив ёндашиш, ишларни аниқ режалаштириш, илм аҳлига тавсиялар бериш ва дидактик талаблар қўйиш, таълим-тарбия қонун-қоидаларини белгилаш каби жиҳатлари билан ажралиб туради.

Фалсафа: Инсоннинг руҳий маъно билан қудратлилиги;

Адабиёт: Инсон моҳиятининг оташин туйғуси;

Педагогика: Юксак маънавиятли шахс тарбияси – каби тушунчалар талқини фанлар кесимида, уйғунлигида ташкил қилинади ва амалий фаолиятда аҳамияти кўрсатилади.

Мавзу	«Маснавийи маънавий» асарида баркамол инсонни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари
--------------	--

1.1 Интеграллашган таълим технологияси модели

Талабалар сони:	30нафаргача
Ўтказиш тартиби ва вақти:	Икки босқичда ўтказилади. 1 босқич, назарий маълумот (2 соат). 2 босқич, амалий фаолият. (2 соат)
Ўқув машғулоти шакли	Дарс-мусохаба (Бахс-мунозара)
Бўлимлар	Педагогика+фалсафа+адабиёт
Иштирокчилар	Дарсда билим даражаси, мақоми, иш тажрибасидан қатъи назар олий таълим муасасаси ўқувчилари жамоаси ёки профессор, ўқитувчилар жамоаси қатнашиши мумкин. Иштирокчилар индивидуал ёки жамоа бўлиб қатнашишлари мумкин.

Машғулот режаси	
1. Асарда иймонли, тўғри эътиқодли, бағрикенг инсонни тарбиялаш борасида. 2. Асарда ирода мустаҳкамлиги тарбиялашда сабр ва нафснинг ўрни борасида. 3. Асарда қалб поклиги ва виждон уйғоқлиги шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги аҳамияти борасида.	
Ўқув машғулотининг мақсади: Дарс тузилишидан келиб чиққан ҳолда, таҳсил олувчиларда юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш борасида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: 1- этап назарий маълумот 1. Мавзунини эълон қилиш, режалар, асосий адабиётлар билан таништириш. 2. Мавзунини режалар асосида уйғунлаштирилган ҳолда узлуксизлик билан таништириш (Сукрот техникаси). 3. Мавзу ҳақида тўлиқ маълумот бериш. 4. Мавзу моҳияти иймон, эътиқод, ирода, сабр, қалб ва виждон маънавий-ахлоқий тарбия омиллари эканлигини изоҳлаш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: 1- этап назарий маълумот 1. Мавзу ва режалар, асосий адабиётлар, баллар тақсимоти билан слайд воситасида танишадилар, ёзиб оладилар. 2. Мавзунини идрок этадилар; изланадилар, саволни қабул қиладилар; муаммо ечимини топишга ҳаракат қиладилар. 3. Мавзу мазмунини тинглаб ёзиб оладилар. 4. Мавзу моҳиятини ҳақида маълумотга эга бўлиш, маънавий-ахлоқий тарбия омиллари билан танишиш.
2-этап амалий фаолият 1. Амалий қисмни ташкил этиш ҳақида маълумот бериш. 2. Синектика методи орқали мавзунини муҳокама қилиш.	2-этап амалий фаолият 1. Амалий қисмдаги фаолиятлари ҳақида маълумотга эга бўладилар 2. Синектика методи орқали мавзу мазмунини муҳокама қиладилар. 3. ФСМО формуласи орқали

3. ФСМО формуласи орқали мавзунини умумлаштириш ва мустаҳкамлаш.	маърузадан олинган маълумотларни умумлаштирадиган ва мустаҳкамлайдилар.
4. Синдикат методи орқали олган билимларни анализ, синтез ҳамда таққослаш.	4 Синдикат методи орқали олган билимларни анализ, синтез ҳамда таққослайдилар.
Таълим технологиялари	Интеграллашган таълим
Таълим бериш усуллари	Баҳс-мунозара, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш
Таълим бериш шакллари	Жамоавий, гуруҳли
Таълим бериш воситалари	Маъруза матни, компьютер, видеопроектор, графикли ташкил этувчилар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки сўров, тезкор сўров.

Интеграллашган дарснинг технологик харитаси.

Иш жараёнлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчилар	Таълим олувчилар
1 босқич		
1-босқич Кириш (10мин.)	1.1. Назарий маълумот бериш этапи тушунтирилади. (1-илова) 1.2. Мавзу номи ва режаларини эълон қилади.	1.1. Назарий этап билан танишади. 1.2. Эшитишади ва ёзиб олишади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. Фалсафа ўқитувчиси маъруза қилади. (2-илова) 2.2. Адабиёт ўқитувчиси маъруза қилади. 2.3. Педагогика фани ўқитувчиси маъруза қилади.	2.1. Маълумотга эга бўлиш. 2.2. Тушуниб олади. 2.3. Тушуниб олади.
3-босқич (10 мин)	3.1. Маъруза давомида Сукрот техникаси асосида савол-жавоб ташкил қилинади. (2 илова)	3.1. Фаол қатнашади.

2 босқич		
1-босқич Кириш (10мин.)	1.5. Амалий фаолиятни ташкил этиш этапи тушунтирилади. (1-илова)	1.1. Амалий фаолият этап билан танишади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1. (Адабиёт ўқитувчиси) Синектика методи орқали мавзунини муҳокама қилиш (3-илова). 2.2. (Фалсафа ўқитувчиси) ФСМО формуласи орқали мавзунини умумлаштириш ва мустахкамлаш. (4-илова) 2.3. (Фанлар ўқитувчилари) Синдикат метди орқали олган билимларни анализ, синтез ҳамда таққослаш. (5-илова)	2.1. Топшириқни бажаради. 2.2. Маълумотни идрок этадилар; саволни қабул қиладилар, ечимини топишга ҳаракат қиладилар. 2.3. Муаммо мазмунини ва моҳияти билан танишади. Ечимини топади.
3-босқич (10 мин)	3.1. Бажарилган ишлар якунланади, фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантирилади. 3.2. Мавзунини тўлиқ ўзлаштириш мақсадида ўтилган мавзуга савол-жавоб ўтказиш орқали умумлаштирилади.	3.1. Баҳоланади. 3.2. Саволларига жавоб берадилар.

Баҳолаш мезони.

Метод	фаоллик	аниқлик	бирдамлик	зукколик	интизом	Жами 25 б.
мезон						
Якка баҳо						
Сукрот техникаси	2	2	2	2	2	10
						10 б

Гуруҳ иши баҳоси						
Синектика методи	1	1	1	1	1	5
“ФСМО” формуласи	1	1	1	1	1	5
“Синдикат” методи	1	1	1	1	1	5
						156

8-10 балл – аъло, 6- 8 балл – яхши, 4- 6 балл – қониқарли
13-15 балл – аъло, 11- 13 балл – яхши, 9- 11 балл – қониқарли

**«Маснавийи маънавий» асарида баркамол инсонни
маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари
1-назарий маълумот учун тақдим этиладиган
материаллар**

Фалсафа ўқитувчиси: Тасаввуф таълимотида сабр-тоқат инсонни комилликка етакловчи омиллардан бири ҳисобланади. Инсоннинг ички хотиржамлиги сабр-тоқатсиз юзага келмайди. Инсон табиатидаги нафс ва ҳирс ҳиссиётлари уни доим тубанликка бошлайди ва руҳий ривожланишдан четлаштириб қўяди. Инсон ўз нафси ва ҳирсни қондириш учун ҳар хил нотўғри ишларни қилиши ҳам мумкин. Ўз моддий эҳтиёжларини назорат қилиш учун инсонга сабр-тоқат керак. Лекин жоҳиллик ва сабрсизлик уни бундай назорат имкониятидан маҳрум қилади. Хотиржамликка эришиш учун инсонга ниҳоятда кучли ирода керак. Бу ирода унинг қийинчилик ва оғир вазиятлардан чиқиб кетишига имконият туғдиради.

Мавлоно Жалолиддин Румий фикрича, ирода инсонга Оллоҳ томонидан берилган. Хилма-хил ишлардан инсон ўзи учун энг кераклисини танлаб олади. Ирода кучи орқали Оллоҳ инсонни ижодкор шахсга айлантиради. Оллоҳ на еру на кўкка, на ҳайвонлару на ўсимликларга ижодкорлик кучини бермади, уни инсонга берди.

Румийнинг фикрича, инсон Оллоҳнинг тимсолидир ва у яратилганда комил бўлиб яратилган. Лекин, кейинчалик инсон ўз нафсига берилиб, ўз комиллигини йўқотди. Набийлар ва валийлар оддий одамларга тўғри йўл кўрсатиш учун юборилган. Улар одам зотига аввалги комиллигини эслатиш ва камчиликларини бартараф этиш учун юборилган.

Жалолиддин Румий учун маърифат шундай руҳий билимки, унда ҳақиқат илоҳийдир. Яъни ҳақиқат инсон онгида моддий нарсаларнинг тўғри акс этиши эмас, балки фикридаги руҳий покликдир. Бу эса фикр, сўзнинг амал билан бирлигида билинади.

Маърифат босқичида Румий яхшилик ва ёмонликнинг нисбий эканлигини, бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади. Румий фикрича, Худо яхшиликдан ҳам, ёмонликдан ҳам нарида. ““Яхшилик ва ёмонликни қилган бир нарсами ёки икки нарсами?” – дея сўрадилар. Жавоб: “Мунозара ҳолида бўлганликларига кўра мутлақо икки нарса бўлиши керак. Чунки бир инсон ўзига қарши мухолифатда бўлолмайди. Шу нуқтаи назардан, ёмонлик яхшиликдан айрилмайди. Яхшилик шу ёмонликни тарк этмакдир. Ёмонлик бўлмаса уни ташламоқ ҳам мумкин эмас. Агар ёмонлик қилиш сабаби бўлмасайди, яхшиликдан воз кечиш ҳам бўлмасди. Демак, фоил(қилган, бажарган – тарж.) икки эмас, бирдир. Мажусийлар дейишадики, Тангри яхшилик, Ахриман ёмонлик яратувчиларидир. Биз бунга қарши деймизки, хуш нарсалар нохушлардан бўлак эмасдир. Чунки нохуш нарса бўлмагунча хуш нарсанинг бўлиши имконсиздир.” Бу дунёдаги барча дард ва аламларнинг сабаби – инсон истаган нарсасига етиша олмаслигидан келиб чиқади. Инсонга иташ хосдир.

Румий таълимотида комиликка етишиш учун инсон барча истакларидан воз кечиши керак, деган ғоя ётади. Инсон ўзидаги барча камчиликларни сабр-тоқат ва ирода орқали енгиши мумкин. Инсондаги салбий хислатлар ва камчиликлар маърифат босқичига ўтишига халақит беради. Шунинг учун, маърифат босқичига ўтишдан олдин инсон шариат ва тариқат босқичларида ўзидаги сабр-тоқат ва иродани кучайтириши зарур. Маърифат босқичида эса, инсон ички билим манбаи очилади ва бу манбанинг асоси, Румий фикрича, қалбдир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Қобулниёзова Г.Т., Румий нигоҳида ирода ва ихтиёр масаласи. Сино. – Т., 2001. – №23. 22-30 бетлар.
2. Қобулниёзова Г.Т., Зайнобидинова Н. И. Олам ҳаёл билан қоимдир. Маърифат. – 2003. – 6 октябрь.
3. Наврӯзова Г.Н., Рахматова Х.Х.. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Б.: “Бухоро” нашриёти, 2010. – 160 б.

Адабиёт ўқитувчиси: Ирода инсон маънавий фаолиятининг юксак босқичи бўлиб, у ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ўз шаънига муносиб ҳолда ақлу идрок, заковат билан иш тутишга ундайди. Ирода орқали инсон ўз хоҳиш-истаклари, хатти-ҳаракатларини қатъий назорат қилиб туради, турли маънавий ва моддий қийинчиликларга бардош беради. Иродаси мустаҳкам шахс, аввало, ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Жалолиддин Румий ўз қарашларида маънавиятли инсон кўринишини изоҳлаб берар экан, иродани тарбиялашга катта эътибор қаратади ва у иродани мустаҳкамлашда “нафс” га мурожаат қилади:

Нафси аввал урди соний нафсга дўк,
Думдин эрмас, бошидин айнир балиқ.¹

Нафси аввал, яъни биринчи нафс дейилганда, инсоннинг табиий истеъдод ва қобилияти, иккинчи нафс дейилганда эса унинг ҳаётидаги майли ва истаги назарда тутилади. Чунки нафс инсоннинг моддий ўзлиги, “мен”идир. Тилимизда унинг муқобили мавжуд эмас. Нафс изидан эргашадиган инсон унинг қулига айланади. Инсон нафсини вақтида жиловлай олмаса, моддий ва маънавий хатоларга йўл қўяди, охир-оқибат, аянчли аҳволга тушиб қолади. Нафсни тийишнинг асосий омили, албатта, маънавий тарбия ҳисобланиб, унда инсон иродаси мустаҳкамлиги етакчи ўринда туради.

Нафс аслида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил қарашдир. “Биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлари билан эл-юртга наф етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (334-бет).

ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар. Иккинчиси – бунга мутлақо қарама-қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадиган, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр-қарашлари.”¹ Бу қарашлар инсоннинг танлаган ҳаёт позициясида ўз аксини топади. Румийнинг улкан маънавий тарбия ўчоғи бўлган “Маснавийи маънавий” асаридан нафс ҳақида айтилган қуйидаги мисрани мисол тариқасида келтирамиз:

Қўйди одам бир қадам, ул завқи нафс
Бўлди жаннатнинг фироқи, тавқи нафс.²

Шоир демоқچики, инсон нафс домига бир қадам қўйдими, ундан қутулмоғи, камол топмоғи қийиндир. Тасаввуф илмидан ҳам маълумки, “аввало, нафс уч сифатга эга бўлади:

1. *Нафси аммора* – бу нафс ёмонликка томон амр қилади ва ҳалокатга элтади.

2. *Нафси лаввома* – бу нафс ўз соҳибини унинг маъсияти учун маломат қилади, яъни бирор бир гуноҳ иш содир этилса, кетидан пушаймонлик келади.

3. *Нафси мутмаина* – бу анбиёлар нафси. Айтиш керакки, авлиёлар нафси лаввома бўлиб, у тадрижий мутмаинага айланади. Нафси аммора эса, бу авомнинг нафси. Бас, шундай экан, нафс билан жанг қилмоқ керак”, – дейилади³ “Маснавий” да нафснинг оқибати борасида:

Нафс агар нафс бирла хуш, хандон бўлур,
Зулмат ичра йўл баса пинҳон бўлур.⁴

Нафс дейилганда, ҳирс билан эҳтирос назарда тутилмоқда. Ҳирс ва эҳтирос бир-бири билан уйғун ҳолда инсонни ҳалокатга, зулматга етаклайди ва бундай инсон жамиятда ўз ўрнини белгилашга қийналади. Румий бундай инсонга нисбатан:

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2011. – (23-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (131-бет).

³ Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий: Куллиёт Ж.1. К.1. / (Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир Т.Маҳмудов.)-Т.: “Шарқ”, 1999. – (175-бет).

⁴ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (131-бет).

Нафсни ўлдирдинг, қозондинг эътибор,
Душманинг йўқ энди, хафсиздир диёр, – дейди.¹

Бу мисралар орқали шоир нафсингни жиловласанг, катта душманингдан қутулган ҳисобланасан ва сенинг оламинг хавфсиз ва нурафшон бўлади, демоқда.

Шоир қарашларида “ирода” кўпинча “сабот” сўзи орқали ифодаланади. Ирода кишининг характери билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Масалан, инсон иродасининг юксак маънавий кўриниши мардлик ҳисобланади. Мард киши бошқаларни алдамайди. Унда орият ва ғурур кучли бўлади. Мутафаккир бу ҳақда “Маснавий”да шундай мисраларни келтиради:

Мард иши равшанлигу мардоналик,
Ҳийладир номард иши, бегоналик.²

Мард киши ҳамиша равшанлик, яъни аниқлик билан иш тутади ва мардоналик каби хислатлар эгаси ҳисобланади. Номардлар иши эса бегоналик бўлиб, улар инсонийликдан, маънавиятдан йироқ бўлишади ва инсофсизлик каби хислатлар эгаси саналишади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Эргаш Очилов. “Маснавийи маънавий” тақдимоти / “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, – 2002. – № 6. – Б. 95.

2. Эшқобил Шукур. Тафаккур водийсидаги учрашув. (Жалолиддин Румий ва Лев Толстой фалсафасидаги руҳий муштараклик). Тафаккур. – 2003. – №3. – Б. 98-107.

3. Тўхсанов Қ. “Маснавий” сабоқлари. – Т.: “Фан”, – 2008. – Б. 14-15

4. Тўхсанов Қ. Румий ҳикматлари таржималарининг қиёсий таҳлили. Тарж. – Жамол Камол ва Эргаш Очилов томонидан ўзбекчалаштирилган. Ойн. “Ўзбек тили ва адаб”. – 2009 . – № 4. – Б. 90-93.

5. Тўхсанов Қ. Навоий ижодида Румий даҳоси. – Румийшунослик. Ойн. “Тил ва адабиёт таълими”. – 2009 . – №5. май. – Б. 52-57.

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (153-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (17-бет).

6. Тўхсанов Қ. “Маснавий” сабоқлари. – Т.: Маънавият, – 2010. – Б. 31.

Педагогика ўқитувчиси: Шахс оила, маҳалла ва жамиятдаги тарбия жараёни қонуниятлари ҳамда тамойиллари асосида тарбияланади ва камол топади. Шахс иймон ва эътиқодининг шаклланишида уни ўраб турган ижтимоий муҳитнинг муҳим ўрни бор. Иймон шахс маънавияти категорияси бўлиб, иймонлилик тарбияланганлик билан баҳоланади. Иймон-эътиқод масалалари Румий асарларида ҳар томонлама таҳлил этилган. У “Маснавий”да шундай ёзади:

Сен иймонни тоза тутгил ҳам омон,
Бўл амин кибру ҳаводин ҳар замон.¹

Румий иймонни тоза, омон ва кибру ҳаводан холи тушунча сифатида кўрсатмоқда. Иймоннинг тозалиги – у иймоннинг мазмун моҳиятини тўғри англаш, иймон бутлиги – яхши хусусиятларга эга бўлиш, иймонда кибру ҳаводан холи бўлиш эса иймонга амал қилишдир. Иймон инсон онги ва аҳволи руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёвий ғоя ва дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч ва инсон иродасини мустаҳкамловчи воситадир. Румий иймонсизлик борасида бир жойда:

Кундузи бир кимса изларкан чароғ,
Бул далилким, унда йўқ кўзу қароғ, – деса,²

Иймонда ишонч катта аҳамият касб этади ва бу тушунчалар одатий бир маънода қўлланилади. Ишончсизлик ва шубҳаланиш муҳотида инсоннинг шахс сифатида шаклланиши қийинлашади. Ижтимоий ҳаётда иймонсизлик борасида “иймонини еган”, “иймони тарк айлаган” деган жумлалар учрайди.

Бағрикенглик, тенглик, биродарликни ўз ўрнида қўйиш учун миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятларга таянамиз. Чунки бағрикенглик, биродарлик тушунчалари азал-азалдан қон-қонимизга сингдириб келинган қадриятлардан саналиб, бу тўғрида буюк алломаларимизнинг ҳаёт йўллари ва қолдирган дидактик меросларида ҳам қимматли мисоллар кўп учрайди. Шу

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (41-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (324-бет).

ўринда Румий ижоди чуқур инсонпарварлик, толерантлик ғояси, миллат ва халқлар дўстлиги, ягона диний эътиқод билан йўғрилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Халқимизнинг атоқли шоири Алишер Навоий ҳам “Насойим ул-муҳаббат” асарида Румий ҳақидаги қимматли маълумотлар қаторида унинг маънавий дунёсини, иродасини, бағрикенглигини англатувчи бир ривоятни келтиради: “Мавлоно бир куни: “Мен етмиш уч мазҳаб билан биргаман”, – дебди. Бу гап унинг рақиби қози Сирожиддин Қазвинийнинг қулоғига бориб етибди. Қози бир муриддини чақириб: “Шу гапни кўпчилик ичида Жалолиддиндан сўра, айтганига иқроп бўлса, аяма, ҳақорат қил”, – деб буюрибди. Мурид шундай қилибди. Мавлонони ёмон сўзлар билан ҳақоратлабди. Шунда Жалолиддин табассум қилиб: “Биз булар билан ҳам биргамиз”, – дея ҳақоратчини мулзам қилган экан”.¹

Ҳар бир мазҳаб бир мақсад сари, аммо турлича қарашлар орқали ўз фаолиятини бошқаради. Бундан кўриняптики, Румий 73 мазҳабнинг моҳиятини англагани учун “улар билан биргаман”, – дейди ва инсониятни бағрикенглик, аҳиллик сари чорлайди.

Бағрикенглик айрим шахсларга ёки бутун бир халққа хос хусусият бўлиши мумкин. Румий “Маснавий”да бошқа миллатларни, динларни қораламайди аксинча, барча кишини ўзаро биродар бўлиб яшашга чорлайди. Бир кун эрталаб Жалолиддин дўстлари билан қабристонга отланди. У отаси Султонул Уламо қабрини зиёрат қилмоқчи эди. От бозордан ўтиб, шаҳар дарвозасидан чиқишаркан, тўпланиб турган оломонга дуч келишди. Бир неча йигит оломондан айрилиб, уларга пешвоз югурди: “Худо ҳаққи, Мавлоно, мадад беринг!” “Нима гап?” “Юнон боласини қатл этишяпти!” “Гуноҳи не экан?” “Сириянус кул эди. Хўжайини вафот этгач, унинг васияти билан озод бўлди. Кўчада оч қолди. Танг қолган кезларида яна ўзини куллика солгиси келмай, ўғрилиқ қилишни афзал кўрди. Дўконда нон ўғрилаётганида кўлга тушди. Қочишга уриниб, мушти билан уриб, дўкондорни ўлдириб қўйди”. Ёрдам ҳақидаги илтижоларни эшитиб, Жалолиддин қатъий қадамлар ила қатл майдони сари юрди. Оломон иккига бўлиниб, шоирга йўл

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат // Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик. 17 – жилд. – Тошкент, 2001. – 560 б. – (337 – бет).

бўшатди. Қўллари орқасига боғланган сариқ қўнғироқ сочли ўспирин соқчилар қуршовида тиз чўкиб турар, жаллод ҳам унинг боши устида ҳозир эди.

Жалолиддин тўнини ечиб, йигитчанинг устига ташлади ва бир сўз демай, изига, шаҳарга қайтди. Мавлоно туфайли юнон боласи бир ўлимдан сақланиб қолди. Сириянус (мусулмончасига Аълоуддин) шу-шу Жалолиддинни ўзига устоз деб билди.¹

Бир юнон боласи учун шунчалик шижоат кўрсата олган инсон бутун дунёни ўз асарлари орқали бирлаштирди вақарашларида икки ҳолат можароси кўп бора кузатилади: “Яхшилик – ёмонликни тарк этмакдур”, – дейди аллома.²

Фойдаланган адабиётлар:

1. Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий /Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: “МЕРИЮС” , 2010. – 846 б.

2. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий нашр /Улуғбек Ҳамдам тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.

3. Фиш Радий. Жалолиддин Румий. Тарихий биографик роман /Русчадан Ж.Камол тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 272б.

Хулоса

Биринчидан,(педагог): Румий иймонли шахс деганда иймонини тоза, омон сақлаган, кибру ҳаводан холи, сабр-қаноатли инсонни тасвирлайди ва иймонсизлик (куфр)ни қоралайди. У инсон иймонини тирик (уйғоқ)лик тимсоли деб билади. Румий эътиқодли шахс деганда эътиқодини тўғрилиқка, яъни яхшиликка йўналтирган, яхши сифат хусусиятларига эга инсонни назарда тутди. Шоир жоҳиллик, журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик устидан кулада. У эътиқодни инсон дунёқарашининг энг барқарор таркибий қисми (компоненти) ва шу компонент инсоннинг онгли фаолияти, сўз ва иш бирлигини таъминловчи мустаҳкам ишонч деб билади. Румий бағрикенглик

¹ Фиш Радий. Жалолиддин Румий: тарихий - биографик роман /Русчадан Ж.Камол тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – (32-бет).

² Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. – Т., 2003. – (67- бет).

деганда, биродарлик, кенгфеъллик, меҳр-мурувватлилик, ғамхўрлик, сахийликни тасвирлаб, миллатлар ва халқлараро тотувликни ёқлайди. Шу ўринда ирқчилик, миллатчилик каби манфур ғояларни қоралайди.

Иккинчидан,(адабиётчи): Иродани мустаҳкамлашда Румийнинг нафсни тия билиш, бойликка ҳирс қўймаслик, манманлик ва такаббурликка берилмаслик, ўзгалар ютуғидан ҳасад қилмаслик, сабр-бардошли ва қаноатли бўлиш, матонатли ва мард бўлиш, меҳнатсевар бўлиш, ўтиб кетган нарса ёки фурсатга ачинмаслик, ёлғон гапларга ишонмаслик, ақл билан иш тутиш, ўзгалар қалбига озор бермаслик каби фикрларидан фойдаланиш мумкин.

Учинчидан,(файласуф): Румий айтганидек, инсон руҳи тарбияланмас экан, унинг иродаси мустаҳкамланмайди, қалби тубанликка юз тутди. Аллома қалб тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, авваламбор, уни барча ёмон фикрлардан тозалаш, нафсни тийиш, қалбни пок тутиш лозимлигини, энг асосийси, қалбни унга малҳам бўлувчи ҳикматлар билан тарбиялаб, қалбга кулоқ солиб иш кўриш кераклигини таъкидлайди. Қалб тарбиясида қалбсизлик, қалбакилик, жоҳилликни қоралайди ва инсонга “қалбинг ила кенгаш” дея ўғит беради. Аллома ўз қарашларида виждон ва виждонсизликни солиштирма тарзда тасвирлайди ва ҳамиша инсонда виждони пок ва уйғоқ бўлиши керак, дейди.

Интеграллашган дарсни амалга ошириш учун такдим этиладиган материаллар

“Бир хунук овозли муаззин”

Румий иймон-эътиқодни шакллантиришдаги баъзи бир эътиборсизликлар ҳақида **“Бир хунук овозли муаззин”** ҳикоятини келтиради. Бир ёмон овозли муаззин кофирлар шаҳрига келиб, ҳар тонг азон айтиб бонг урар экан. Унга: “Қўй, сен азон ўқима, уруш чиқади, душманлик кучаяди”, – деб таънадашном берсалар ҳам, парво қилмай, ҳар тонг азон ўқийверар экан. Шунда бир кофир қўлида тўн, ҳалво, ҳадялар билан келибди-ю, “Хушовоз муаззин қаерда? деб уни сўрабди. Бундан ажабланган одамлар: “Овози қурсин, қўй, уни нима қиласан?” дейишибди. Ҳадялар билан келган кофир: “Менинг бир қизим

бор эди. У мўмин бўлиш орзусида, бошини бир савдо билан банд қилиб қўйди. Оиланинг ҳам тинчи бузилди. Қанчалик панд-насиҳат қилмай, кор қилмади. Бир кун эрталаб муаззиннинг овозини эшитди ва “Ким куйлаяпти?” деб сўраб қолди. Синглиси унга: “Бу бонги азон, аҳли мўминларни намозга чорлаяпти”, – дебди. Бовар қилмай бошқалардан ҳам сўрабди ва шу жавобни олибди. Узоқ ўйга толиб, ғам-андух чекиб, мусулмончиликдан кўнгли қолди”, – дебди. Муаззинни кўриб уни хуш овози учун табриклабди, тақдирлабди.

Кимки иймон топди, топди ул омон,
Ўзгаларга қолгани – куфру гумон.¹

“Амирнинг қули”

“Маснавий”даги “Амирнинг қули” воқеаси. Бир амир ҳаммом боргиси келибди ва субҳидамда қулини уйғотиб: “Тез бўл, тосу лунги олгин, ҳаммомга кетамиз”, – дебди. Сўнқир тосу лунгини олибди ва амири билан ҳаммомга равона бўлибди. Йўлда масжиднинг ёнидан ўтишаётганларида, Сўнқирнинг қулоғига азон эшитилибди, шунда Сўнқир: “Эй Хожам, дўконда бир лахза ўтириб турунг мен намозимни ўқиб чиқай, намозимни қазо қилмай”, – дебди. Анча фурсатдан сўнг намоз тамом бўлибди. Одамлар масжиддан чиқиб кетишибди. Амир қулини кутар экан, лекин қули масжиддан чиқмабди. Амир масжид олдига бориб, қулини чақирибди. Қули: “Мени чиқишга қўйишмаяпти. Сабр қилинг, ҳозир чиқаман, амирим”, – дебди. Хожа сабр қилибди аммо тоқати-тоқ бўлиб, устма-уст етти бор эшикка бориб, қулини чақирибди. Лекин ҳар сафар бир хил жавоб олаверибди. Ахири жонига теккан амир: “Масжидда одам қолмаган бўлса, сенинг йўлингни ким тўсяпти”, – дебди. Шунда қул:

Деди: ким тутгай сени ташқорида,
Бас, ўшал тутгай мени ичқорида.
Улки ул қирмоққа қўймайдир сени,
Ул ўшал чикмоққа қўймайдир мени... – деб жавоб берибди.²

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (610-бет).

² Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (292-бет).

“Филнинг шаклу – шамойили”

“Маснавий”да яна шунга яқин **“Филнинг шаклу – шамойили”** ҳикоятикелтирилган. Унда тасвирланишича, ҳиндлар бир филни етаклаб қоронғу хонага олиб кирибдилар. Уни кўриш учун кирган одамлар хона қоронғулиги туфайли уни кўра олмабдилар. Филга ҳар ким кўл чўзиб, кафтини филнинг устига суларди. Бири фил хартумини ушлаб, уни тарновга ўхшатибди. Бири фил қулоғини ушлаб, уни баҳайбат елпиғичга ўхшатибди. Бири эса, йўқ сиз айтгандай эмас фил фақат устунга ўхшар, дебди. Бири эса фил устини сийпаб, у хонтахтага ўхшайди, дебди. Ким филнинг қаерини силаган бўлса, филни ўшандай тасаввур этибди. Шу сабабдан сўзларидан тафовут келиб чиқибди.

Ҳар бирининг илкида бўлсайди шам,
Ихтилоф бўлмасди зоҳир зарра ҳам.
Ҳис сўзи кафтдирким, тимискилайди бас,
Кафт неча сийпайди, лекин қамрамас.¹

“Кўнгил ойнаси”

“Маснавий”да **“Кўнгил ойнаси”** ҳикояти келтирилган бўлиб, унда ҳикоят қилинишича, султон саройида хитой рассомлари: “Биз турк рассомларидан анча илғор ва моҳирмиз”, – деб иддао қилдилар. Бунга жавобан турк рассомлари: “Йўқ, биз улардан устунроқмиз. Бизнинг санъатимиз юксак”, – деб бу даъвога қарши чиқибдилар. Бу баҳсдан хабар топган султон рассомларни имтиҳон қилишга қарор қилибди. “Ҳар икки мамлакат рассомлари тайёрлансин, бир-бирига қараган икки хонага чиқарилсинлар!” – деб буюрибди султон.

Хитой рассомлари ўзларига берилган хона деворларини турли рангли расмлар билан безабдилар. Турк рассомлари эса Хитой рассомлари қаршисидаги ўз хоналарининг деворларини фақат жилолаб, ойна каби ялтиратибдилар. Султон олдин Хитой рассомларининг хонасига кирибди ва уларнинг санъатига лол қолибди. Кейин турк рассомларининг хонасига ташриф буюрибди. Улар хонани ойна мисоли ялтиратганликлари туфайли хитойликлар чизган расмлар акси янада ёрқин

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т., 2010. – (282-бет).

жилоланиб, ўз аксини кўрсатар эди. Бундан ҳайратланган султон турк рассомларини тақдирлаган экан.¹

Мавзу юзасидан иловалар

1-илова

Интеграллашган дарсни ташкил қилишда ўқитувчига кўрсатма

Интеграллаш (лот. integrare тикламоқ, ўрнини тўлдирмоқ) – интеграцияни ташкил қилиш, қисмларни бирбутунга бирлаштириш. Интеграллашган дарсни ўтказадиган ўқитувчи олдида қўйиладиган талабар:

- Кўзланган дарс оддий тузилма, структура эмаслигини англаш;
- Икки ва ундан ортиқ фанларнинг ўзаро уйғунлашувини ташкил қилиш;
- Дарсда фанларнинг бир-хил даражали иштирокига йўл қўймаслик (адабиёт ва тарих, физика ва кимё, адабиёт ва мусика);
- Битта фан асосий қолган танланган фанлар таянч маълумот етказувчи эканлигини таъминлаш;
- Таҳлил предмети, барча фанлар соҳасида белгиланган мавзу моҳиятини ифодаловчи ахборот кўп режали объект бўлишини таъминлаш;
- Ўқув маълумот мазмуни + бошқа ўқув фанлар илмий ахбороти учун таянч тушунча + олдин ўзлаштирилган таянч маълумот + фанлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик = бирлик, ўзаро уйғунлашган маълумот;
- Фанлар ўртасидаги боғлиқликни ташкил қилаолиш;
- Махсус мавзу, таълимий гуруҳ, махсус жойни танлаш;
- Бундай фанлар шахсий симпатияга эга бўлган ҳамкасблар ўртасида ташкил қилиш режалаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Интеграллашган дарс қанчалик суръатда ўтишини олдиндан айтиб бўлмагани каби, педагоглар роли ҳам динамик тартибда ўзгаради. Шунинг учун аниқ психологик бирликка эришиладиган шерикни танлаш лозим;

¹ Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т. 2010. – (72-бет).

- Ўқитувчи шериклар ўртасида таълим мазмуни ва методига ўзаро келишувни таъминлаш;
- Ўқув материаллари аниқ мақсадга қаратилган, конструктив, структурали бўлишини таъминлаш;
- Дарс давомида ўзаро ўқитувчилар ўртасида ва ўқитувчилар ўқувчилар ўртасида коммуникатив муҳитни ташкил қилиш;

2-илова

Сукрот техникаси. Маърузаларда тез-тез ишлатиладиган усул унда ўқитувчи талабаларни савол-жавоблар орқали мўлжалланган мақсад сари етаклайди.

Саволлар

1. Кучли ирода деганда нимани тушунасиш?
2. Кимни биз кучли ирода соҳиби деб биламиз?
3. “Маснавийда” иродани мустаҳкамлашда нималарга эътибор қаратилган?
4. Иймон-этиқодли шахс деганда нимани тушунасиш?
5. Румий кимларни бағрикенг инсонлар деб ҳисоблайди?
6. Қалбан пок бўлиш учун нималарга риоя қилиш лозим?

3-илова

Синектика методи. Синектика методи «мия жанги» билан бир хилдаги элементларга эга бўлиб, аналогияга асосланган тўртта стул – амални ўз ичига олади:

1. Бевосита аналогия (мазкур муаммога ўхшаш муаммолар қай тариқа ҳал қилинади).
2. Шахсий аналогия (топширикда берилган объект образига кириб, ўша кишининг нуқтаи назаридан мушоҳада қилиш).
3. Рамзий аналогия (муаммо моҳиятини бир неча сўзлар билан образли қилиб таърифлаб бериш).
4. Хаёлий аналогия (эртас қаҳрамонлари бу муаммони қай тариқа ҳал қилган бўлар эдилар).

Бунда ўқув материаллини аниқроқ англашилади, ўзлаштирилади, хотирада узоқроқ сақланиб қолади ва амалий ҳамда илмий мақсадлар аниқроқ тадбиқ этиладиган бўлади. Бошқача айтганда, ўқувчи анча уқувли ўқувчи, ўқитувчи эса, яхшироқ ўргатадиган ўқитувчи бўлиб қолади.

Намуна: “Маснавий”даги “Амирнинг кули” воқеаси.

1. Бевосита аналогия:

Мазкур муаммога ўхшаш муаммолар ирқчиликдан, миллатчиликдан холи бағрикенглик орқали ҳал қилинади;

2. Шахсий аналогия:

Амирнинг кули: “Ахир дунёда барча инсонларнинг мақсади бир, улар орасидаги инсоний муносабатларни дин ва эътиқод ажратиши мумкин эмас.”

3. Рамзий аналогия:

Амир мутаассиблиги, ирқчилиги туфайли масжидга кира олмаяпти. Ҳолбуки масжид умумий маданий-ижтимоий объект ҳисобланади.

4. Хаёлий аналогия:

Эртак қаҳрамонлари Паҳлавонботир, уч оғани ботирлар ва бошқалар бу муаммони дўстлик, биродарлилик орқали ҳал қилган бўлар эдилар;

4-илова

Педагогик «ФСМО формуласи» - фикр, сабаб, мисол, оқибат

Биринчи “фикр” сўзига тегишли қўйидаги гапдан бошланиши керак:

«Мен ҳисоблайманки, ...».

Иккинчи “сабаб” сўзига тегишли қўйидаги гапдан бошланиши керак:

«Чунки ...».

Учинчи “мисол, намуна” сўзига тегишли қўйидаги гапдан бошланиши керак:

«Мен бунини мисол орқали исботлаб биламан ...».

Охирги, тўртинчи “оқибат” сўзига тегишли қўйидаги гапдан бошланиши керак :

«Бундан келиб чиққан ҳолда, мен шундай хулоса қиламан...».

Намуна: “Маснавий”дан “Филнинг шаклу – шамойили” ҳикояти.

Мен ҳисоблайманки “Филнинг шаклу – шамойили” ҳикоятида билишнинг бирёқлама тузилганлиги тасвирланган бўлиб, ҳар бир киши ўз эътиқоди доирасида тасаввурини

изоҳламоқда. Инсон эътиқоди нафақат турли ҳаракатларни ўзида акс эттирган билимлар, балки ўша билимларга берган баҳоси, унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлганлиги учун, бу изоҳлар тафовутларни келтириб чиқаряпти.

Чунки, билимсизлик инсонни жаҳолатга етаклайди. Жаҳолат мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишга замин яратадиган омиллардандир.¹

Мен буни мисол орқали исботлаб бермоқчиман. “Маснавий”да келтирилган **“Бир хунук овозли муаззин”** ҳикоятда Румий ёшларнинг тақдирига дахлдор бўлган соғлом эътиқод, юксак дунёқараш ва соф иймон асосларини шакллантириш жараёнида йўл қўйилган биргина хато ёшларнинг мустақил фикрловчи, олижаноб шахс бўлиб етишишларига тўсиқ бўлиши мумкинлигини таъкидлайди ва иймонини бут сақламаган кимсаларга: “Сизнинг ишончингиз ҳам шундай ўткинчи, ёлғон. Ўша азон каби йўлдан қайтарувчидир”, – дейди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, мен шундай хулоса қиламан билимли кишида иймон, эътиқод мустаҳкам бўлади ҳар бир воқеа-ҳодисани олдиндан ташхислай олади. Ён-атрофида бўлаётган ҳодисаларга бефарқ қарамайди.

5-илова

“Синдикат” методи. Гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади, таклиф этилаётган топшириқни уч хил нуқтаи назардан ҳал қилиш зарур. Шундай қилиб, муҳокама вақтида талабалар битта касалликка турли шароитларда даво қилиш вариантларини кўздан кечириб чиқишади ва давога доир адабиётда берилган тавсияномаларни даво қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилишади. Йўл қўйилган хатоларни кўришади, ўз билимларини ошириб, танқидий нуқтаи назардан фикр юритишни ўрганишади.


Таклиф этилаётган топшириқ: Юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш борасида фикр-мулоҳазаларни муҳокама қилиш, иродасиз, иймон-эътиқоди суст, мутаассиб, иркчи, қалби нопокликка қарши педагогик, адабий, фалсафий фанлар кесимида даво, ечимларни топиш.

¹ **Диний экстремизм** ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Маъсул муҳаррир: А.С. Очилдиев. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом ун-ти. - Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 7. 122.

ИЛОВАЛАР

1-илова

ШАХСНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТАДРИЖИЙ ҚОЛИПИ



**Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид
қарашларидан фойдаланиш шакл ва усуллари**

<i>Ташкилий чоралар</i>	<i>Шакл</i>	<i>Усуллари</i>
<i>Услубий кенгаш</i>	<i>Очиқ дарс</i>	<i>Кузатиш</i>
<i>Илмий семинар</i>	<i>Илмий-амалий конференция</i>	<i>Суҳбат, баҳс-мунозара</i>
<i>Муаммоли таълим</i>	<i>Маснавийхонлик</i>	<i>Анкета сўровномаси</i>
<i>Махсус курс</i>	<i>Очиқ дарс</i>	<i>Ҳужжатлар таҳлили</i>
<i>Тадқиқот</i>	<i>Мустақил таълим</i>	<i>Хронометрлаш</i>
<i>Кўрик-танловлар</i>	<i>Семинар дарс</i>	<i>Адабиётлар билан ишлаш</i>
	<i>Амалий дарс</i>	
	<i>Консултация</i>	
	<i>Тўғарак</i>	
	<i>Давра суҳбати</i>	

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абул Ҳасан Надавий. Туйғу ва тушунчада тозалик... – Кўнё, 1986.
2. Абдуваҳҳоб У. Ишқни ишқдан бошқа нарса сўндирилмас... (Жалолиддин Румийнинг “Фихима фихи” яъни “Ичиндаги ичиндадур” асаридан парча). Гулистон. – 1998. – №1. – Б. 52.
3. Акимускин О.Ф. Вдохновенный из Руми // Руми Джалалиддин. Поэма о скрытом смысле. Избранные притчи. – М., 1986. – С. 215-231.
4. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик, 17 – жилд. – Тошкент, 2001.
5. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-жилд. – Тошкент, 1998.
6. Афлокий Аҳмад. Маноқиб-ул-орифин. – Техрон, 1896. – 597 б.
7. Асрор Самад (Мавлоно Жалолиддин Румий тўғрисида) “Маснавийи маънавий” ҳикоятларидан. Бухоро мавжлари. – 2012. – №1. – Б. 21
8. Бертельс Э.А. Очерки истории персидской литературы. – Л., 1928. – С. 133.
9. Бертельс Э.А. Избранные труды. История литературы и культуры Ирана. – М., 1988. – 558 с.
10. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузуди. – М.: Наука, 1962. – 523 с.
11. Бобораҳим Машраб. Мабдайи нур. Сайланма (ғазаллар ва мустазодлар). – Т.: Фан, 1994, - Б. 5.
12. Болтабоев Ҳ. “Маснавийи шариф” маънавияти: (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад бинни Баҳоуддин Валад Румий (1207-1273)нинг “Маънавий маснавий” китоби ҳақида). – Жаҳон адабиёти. – 2001. – №12. – Б.162-166.
13. Гавҳарин С. Луғот ва таъбироти “Маснавӣ”и Жалолиддини Балхи. – Техрон, 1337 – 1339 ҳ. – Ж. 1-3.
14. Гулпинарлӣ А. Мавлавия баъд аз Мавлоно. – Техрон, 1366 ҳ. – 742 с.

15. Джалаладдин Руми и суфийская традиция. (Антология гуманной педагогики). — М.: Издательский дом Шалвы Амонашвили, 2000.
16. Джавелидзе Э.Д. У Истоков турецкой литературы. 1.Джелаль-ед-дин Руми (вопросы мировоззрения). — Тбилиси. Мецниереба, 1979. — 308 с.
17. Жомий Абдурахмон. (Танланган асарлар). Тузувчи Ш.Шомухаммедов. Масъул муҳаррир М.Муинзода. Кириш сўзи Ш.Шомухаммедовники. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. — 258 б.
18. Жомий Абдурахмон. «Нафаҳот ул-унс». Усмонли туркчага таржима қилган А.Ломеъий. Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзма китоблар хазинаси. 30840-сон. — 524 б.
19. Зарринқўб Абулҳусайн. Палла-палла то мулоқотиэ Худо. (Дар бораи зиндаги, андиша ва сулукиэ Мавлоно Жалолиддини Румий). — Техрон, 1373 ҳ. — 341 б.
20. Зарринқўб Абулҳусайн. Сири най. II жилд. — Техрон, 1368 ҳ.
21. Зайнобидинова Н.И. Жалолиддин Румий тасаввуфий таълимотида инсон маънавий камолоти масаласи: Фалсафа фан. номз. дисс... — Тошкент, 2011. — 29 б.
22. Зиёев Х.М. Мавлавия ва таърихи таҳаввули он. — Д.: Ирфон, 2004.—216 с.
23. Ибраҳимова Илҳама Ҳасан гузу. Мювлана Жалаладдин Руминин “Маснави-йе манави” асари ислам тасаввуфунун асос гайнагларундан бири кими: Фалсафа елмлари намизади алимлик даражаси алмағ учун тағдим эдилмиш диссертасийанун автореферату. — Баку, 2005. — 33 с.
24. Идрис Шах. Сто рассказов мудрости. Жизнь, учение и чудеса Джелаледдина Руми. — М.: Эннегон, 2007. — 240 с.
25. Избуллаева Г.В. Жалолиддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси / Масъул муҳаррир С.С.Булатов. — Тошкент: Фан, 2015. — 208 б.
26. Кабиров Хуршед Шахбозбекович. Специфические особенности языка поэзии Джалаладдина Руми: Диссертация ... кандидата филологических наук.— Душанбе, 2009.— 149 с.

27. Кошифий Ҳусайн Воиз Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний. Нашрга тайёрловчилар М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.

28. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009. – 448 б.

29. Комилов. Н. Маънавий камолот илми // “Ислом нури” газетаси. 2005 йил, 17-18 (299)

30. Маҳмудов Т. Илоҳиёт бағрида ҳаёт нафаси. (Шоир Жалолиддин Румийнинг ижодий фаолияти). – Гулистон. – 2000. – №5. – Б.18-23.

31. Мавлоно Жалолиддин Румий: Таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан. Метод.-библиогр. қўлл. Тузувчи У. Тешабоева. Мухаррир Ҳ.Маматраимова. Масъул муҳаррир О.Қиличбоев. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007. – 36 б.

32. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетея, 1999.

33. Муҳиддин Абдурасул. Кўнёда Румий руҳи шод бўлди. (2007 йил – Халқаро Мавлоно Румий йили). Ҳуррият. – 2006. – 20 дек.

34. Муҳаммад Истеъломий. Илоҳий ишқ куйчиси. “Маснавий”га муқаддима. (Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. – Техрон, 2001. – 88 б.

35. Мохтар Т.Д. Педагогические идеи Джалаладдина Руми в системе современных общеобразовательных школ Ирана: Автореферат дисс...канд.пед. наук. – Душанбе, 2010. – с. 31

36. Одилов Н. Мироззрение Джалолиддина Руми. – Д., 1974. – 111с.

37. Ориф Усмон. Мавлавия: Тасаввуф тариқатлари: (Ўрта Осиёлик тасаввуфи олими, шоир Мавлоно Жалолиддин Румий – Балхий (1207-1273)нинг “Маснавийи маънавий” асари ҳақида). Мулоқот. – 1998. – № 5. –Б. 46-48.

38. Румий Жалолиддин. Учмоққа қанот йўқ вале учгаймен (Бокий сатрлар). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 48 б.

39. Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт Ж.1. К.1. /(Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир Т.Маҳмудов.) – Т.: “Шарқ”, 1999. – 368 б.
40. Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт Ж.1. К.2. /(Таржима шарҳи билан. Таржимон Асқар Маҳкам. Масъул муҳаррир Ҳ. Ҳомидий.) – Т.: “Янги аср авлоди”, 2007. – 274 б.
41. Румий Жалолиддин. Маснавийи маънавий /Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тарж. – Т.: “МЕРИЮС” ХНМК, 2010. – 846 б.
42. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий-маърифий нашр /Улуғбек Ҳамдам тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 200 б.
43. Руми, Джалаладдин. Дорога превращений : суфийские притчи / Джалаладдин Руми ; сост., пер. [фарси], религиоз._филос. коммент. Дмитрия Щедровицкого ; этико_психолог. коммент. Марка Хаткевича. – М. : Оклик, 2007. – 380 с.
44. Румий, Жалолиддин. Қалб кўзингни оч / Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сабоҳат Бозорова. – Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2011. – 164 б.
45. Румий, Жалолиддин Ҳикматлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов – Т.: “Шарқ”, 2008. – 272 б.
46. Румий Жалолиддин. Маснавий ҳикояларидан дарслар // 40 ҳикояга 40 шарҳ, 1-китоб (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: А. Тилавов). – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. – 103 б.
47. Румий Жалолиддин. Маснавий ҳикояларидан дарслар// 40 ҳикояга 40 шарҳ, 2-китоб (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: А. Холмурод). – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. – 75 б.
48. Румий Жалолиддин. Маснавий ҳикояларидан дарслар// 40 ҳикояга 40 шарҳ, 3-китоб (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: А. Холмурод). – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2010. – 91 б.
49. Румий Жалолиддин. Маснавий ҳикояларга шарҳлар. Найнома. Маснавий ҳикматлари /Жалолиддин Румий; нашрга тайёрловчи А.Тилавов. – Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2011. – 404 б.

50. Румий Жалолиддин. Най ноласи: Ҳикматлар / Жалолиддин Румий насрий матн муаллифи Хайрулла Қосим – Т.: Юрист-мэдия маркази, 2011. – 120 б.
51. Самарқандий Давлатшоҳ. Тазкират-уш-шуаро. – Техрон, нашр йилисиз. – 652 с.
52. Сироч М. Мавлонои Балхй ва падараш. Таъсири “Маориф” бар “Маснавийи маънавй”. – Кобул, 1340 ҳ. – 118 с.
53. Степанянц М. Т. Поиски скрытого смысла. – Вкн.: Читтик У. К. Поиск скрытого смысла. – М., 1995.
54. Султонмурод Олим. Мавлонолар мавлоноси. (Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004. – 4 июнь.
55. Султон Валад. Валаднома. Жалолуддини Румии Балхй. Маснавийи маъанавй бо ҳафт китоби нафиси дигар. Кобул, 1362 ҳ. – 200-с.
56. Султон Валад. Маориф. Комил инсон ҳақида тўрт рисола (Н.Комилов таржимаси). – Тошкент, 1997. – 84- б.
57. Тақий Пурномдориён. Мавлавий шеъриятида “мен”даги “мен”лик ва матндаги ноанъанавийлик. “Сино” журнали, 2001. – Баҳор (№1). – 3-б.
58. Фиш Радий. Жалолиддин Румий. Тарихий биографик роман /Русчадан Ж.Камол тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 272б.
59. Шефик Джан. Мевлана Джалаледдин Руми – жизнь, личность, мысли. – М. «Новый свет», 2008. – с. 432.
60. Шиммел Аннемарие. Жонон менинг жонимда; Ислом оламида хотин қизлар сиймоси. –Т.: “Шарқ” нашриёти, 1999. – 172 б.
61. Эпласанг қочгил ўлимдан...: Ҳикматлар /Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари таржимасининг насрий баёни. – Т.: Юрист –мэдиа маркази, 2009. – 80 б.
62. Ҳасаний Маҳмуд. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи // Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий. Мифтоҳ ул-асрор. – Тошкент, 2006. – 352 б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Жалолиддин Румий маънавий меросининг педагогик концепцияси.....	5
Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш шакл, усул ва воситалари.....	18
Жалолиддин Румий маънавий меросидан фойдаланиш учун тавсия этиладиган мастер класслар (махорат дарслари)	35
1 - тавсия	35
2 - тавсия	57
3-тавсия	76
Иловалар.....	95
Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....	97

Гулчехра Валериевна Избуллаева

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ
МАЪНАВИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ
МЕТОДИКАСИ**
методик қўлланма

Мухаррир: Н. Рустамова
Мусахҳих: М. Расулов
Техник муҳаррир: А.Қаландаров

**Босишга руҳсат этилди: 17.08.2015 йил. Times New Roman гарнитураси. Офсет усули.
Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табағи 6.5. Нашриёт ҳисоб табағи 6.0. Адади: 100 нусха.
Буюртма №82.**

**“Наврўз” нашриёти. Лицензия №АІ 170. 23.12.2009 йил.
Тошкент шаҳри. 100000 А. Темур кўчаси 19 уй.**

**МЧЖ “Шарқ-Бухоро” босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (95) 604-39-00.**